



ЎзДЖТУ ҳузуридаги
РИАИМ

Ўқув-услубий
мажмуа

Лотин тили йўналиши
тингловчилари учун

Ўқув-услубий
мажмуа

2021

ЛОТИН ТИЛИ

3.1. Лотин тили ва тиббиёт терминологиясининг
асослари

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: **М.Н. Исраилова – ТДСИ, Лотин тили кафедраси доценти**

Такризчи: **Н.С.Суюндиков – Тошкент Фармацевтика институти Тиллар кафедраси катта ўқитувчisi**

Ўқув-услубий мажмуа ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий- методик Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 10 - сонли қарори билан тасдиқка тавсия қилинган.

М У Н Д А Р И Ж А

| | | |
|------|--|-----|
| I. | ИШЧИ ДАСТУРИ..... | 3 |
| II. | МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 10 |
| III. | НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР..... | 23 |
| IV. | АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР..... | 43 |
| V. | КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 78 |
| VI. | ГЛОССАРИЙ..... | 89 |
| VII. | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 107 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни лотин тили ва тиббиёт терминологияси, клиник терминология, клиник терминологиянинг хусусиятлари, клиник атамаларни шакллантиришда ўзакка асосланиш метод сифатида, клиник атамаларни ўқитиш, префикс клиник атамаларни

шакллантириш усули, дори воситалари терминлари, дори терминологияси хусусиятлари, таржима ва матн таҳлили, концептларни интерпретация қилиш ва ўқитиш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - тингловчиларда лотин тили ва тиббиёт терминологиясининг асослари модулининг асосий тушунча ва тамойиллари бўйича мутахассислиги бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда тингловчиларда тиббиёт терминлари билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва тиббиёт терминлари билан ишлаш бўйича кўникмаларини ривожлантириш. Фанни ўқитишда илғор таълим технологияларидан билимларини такомиллаштириш, фан муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборатdir.

Фанни асосий вазифалари қўйидагилар:

- лотин тили ва тиббий терминологияси фанини ўқитишда педагогик фаолият ва олий таълимда ўқитиш жараёнигини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг лотин тили ва тиббиёт терминологияси фанини ўқитишда муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- интерактив педагогик технологияларнинг афзалликлари, улардан ўқув машғулотлари жараёнида унумли фойдаланиш;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражасини ошириш; мутахассислик бўйича маҳсус амалий фанлар соҳасида ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциясига қўйиладиган талаблар

Лотин тили ва тиббиёт терминологияси асослари модули бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- клиник терминология хусусиятини;
- Клиник атамаларни шакллантиришда ўзакка асосланиш методини;
- дори воситалари терминларини;
- феъл ва уни вазифасини билиш;
- рецептни лотин тилидаги матнини ёзишни;
- кимёвий элементларнинг лотинча номини;
- клиник ва фармацевтик терминларни;
- кимёвий элементларнинг лотинча номлари
- сўз ва концепт хақидаги **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ўқув материалларини яратиш учун мақсад, вазифа ва кутилаётган натижаларини тўғри белгилаш;
- клиник терминология бўлимида ташхис қўйиш усулларини танлаш;
- дори воситалари терминларини орфографик тўғри ёзиш;
- фармацевтик терминда феълни ишлатлишини билиш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули бўйича назарий мавзуларни ва эгалланган ахборотни амалиётда қўллаш малакаларини эгаллаш;
- модулининг терминологик қонуниятлари ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан қўллаш;
- фанни ўқитишида терминларни таржима қилиш ва улардан фойдаланишда **кўникма ва малакаларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тиббиёт соҳасидаги халқаро анатомик терминларни аниқлаш;

- клиник ташхис күйиш ва тахлил қилиш;
- фармацевтик терминларни орфография бўйича тўғри ёзиш рецептни стандарт бўйича ёзиш;
- коммуникатив компетенцияни аниқлаш хусусиятларига мос ёндашувларни танлаш;
- замонавий методаларни ўқув жараёнида фаол қўллай олиш каби малака ва компетенцияларини эгаллаш;
- модул бўйича орттирилган малакаларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модули мазмуни ўқув режадаги мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Мазкур модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларининг қўйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар;
- жамоа лойиҳалари;
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш;
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш;
- давра сухбатлари ўtkазиш;
- инсерт техникаси;
- пинборд техникаси;
- кейс- стади;
- ақлий хужум методи.

Шунингдек, фанни ўқитишида замонавий ахборот технологияларидан ҳам

кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фанни ўқитишнинг замонавий интерактив услубларидан унумли фойдаланиш ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | Мустақил таълим | |
|---|---|-----------------------------------|-------------------------|--------|-----------------|-----------------|--|
| | | Хаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | жумладан | | |
| | | | Жами | Назарӣ | Амалий машғулот | | |
| 1 | Лотин тили ва тиббиёт терминологияси | 2 | 2 | 2 | | | |
| 2 | Клиник терминологиянинг хусусиятлари | 2 | 2 | | 2 | | |
| 3 | Клиник терминларни шакллантириш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 4 | Доришунослик терминологияси хусусиятлари | 2 | 2 | | 2 | | |
| 5 | Феъл ва уни рецепт формулаларда қўллаш | 2 | 2 | | 2 | | |
| 6 | Кимёвий элементларнинг лотинча | 2 | 2 | | 2 | | |

| | | | | | | |
|---|--|-----------|-----------|----------|-----------|--|
| | номланиши | | | | | |
| 7 | Лотин тили гаплари таржимасининг тузилиши ва тартиби | 2 | 2 | | 2 | |
| 8 | Сўз ва концепт тушунчаси | 2 | 2 | | 2 | |
| | Жами: 10 соат | 16 | 16 | 2 | 14 | |

Ўқув машғулотлар мазмуни

1-мавзу. Лотин тили ва тиббиёт терминологияси.

Лотин тили ва тиббиёт терминологияси хусусиятлари. Лотин тилида терминлар. Тиббиёт терминологияси. Тиббиёт терминологиясининг уч йўналиши. Анатомик йўналиш. Клиник йўналиш. Фармацевтик йўналиш.

2 -мавзу. Клиник терминологиянинг хусусиятлари.

Клиник терминологиянинг хусусиятлари. Клиник терминлар. Юнон сўzlари хақида. Клиник терминларнинг ясалиши. Мураккаб клиник терминларнинг ясалиши.

3- мавзу: Клиник терминларни шакллантириш .

Клиник терминларни таҳлил қилиш. Сўз ясаш воситалари. Сўз ясаш усуллари. Мураккаб терминлар. Мураккаб терминлар ясаш кўнималарини ўстириш. Врачни терминологик жиҳатдан тайёрлаш.

4- мавзу. Доришунослик терминологияси хусусиятлари.

Фармацевтик терминология. Доривор моддаларнинг тривиал номлари. Дори шакллари. Фармацевтик термин структураси. Стандарт рецептурада формулировкалар. Рецепт ёзиш қоидалари. Таблетка, шамчалар ва қўз плёнкаларини ёзишда кумакчининг урни. Рецептурада асосий қисқартмалар.

5- мавзу. Феъл ва уни рецепт формулаларда қўллаш.

Феъл ва унинг грамматик категорияси. Феълни рецепт формулаларда қўллаш. Феъл ва феълнинг майллари. Доришуносликда феълларнинг ишлатилиши.

6- мавзу Кимёвий элементларнинг лотинча номлари.

Кимёвий элементларнинг тизими. Кимёвий элементлар тизимини яратилиши. Энг муҳим кимёвий элементламинг лотинча номларини билиш. Лотин тилида кислота ва оксидларнинг номлари. Рецептурада кулланиладиган муҳим кискартмалар

7- мавзу Лотин тили гаплари таржимасининг тузилиши ва тартиби.

Лотин тилини ўқитиш жараёнида анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни ўзбек тилига таржима қилиш. Тиббиёт соҳасида қўлланилаётган матнларнинг келиб чиқиш тарихи. Лотин тили ва антик маданият – Европа цивилизацияси.

8- мавзу Сўз ва концепт тушунчаси

Лотин тилидаги сўзларнинг шакли. Тил шакллари, ўзлаштирма, архаик сўзлар ва неологизмлар. Концептнинг икки томонлами хусусияти.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Тушунчалар таҳлили” методи


Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Кластер” методи: ушбу метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва сентез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида грухларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Тингловчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборларига қуидаги жадвалларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Намуна: *Brainstorm the notion of “Text”*



“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчилаарнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникуларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчилаарнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникулар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида кўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди. Намуна:

| | | |
|----------|-------------------|-------------|
| Билардим | Билишни хоҳлардим | Билиб олдим |
|----------|-------------------|-------------|

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

“Ақлий хужум” методи

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари ва ғояларни ижобий фойдаланиш борасида маълум қўнишка ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантирилади. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. Ақлий хужум методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятлар аниқлаш ва уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Дарс жараёнида “Ақлий хужум” методидан фойдаланишда қуидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1. Ўқувчиларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларнинг мантикий фикрларни билдиришларига эришиш.
2. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фирмклар рағбатлантирилиб борилади. Билдирилган фирмклар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади. Фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фирмкларнинг туғилишига олиб келади.
3. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фирмларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фирмларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фирмларнинг шаклланишига замон ҳозирлайди.
4. Машғулот жараёнида ўқувчилар фаолиятини стандарт талаб асосда назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фирмларни баҳолашга йўл қуилмайди. Уларнинг фирмлари баҳоланиб борилса ўқувчилар диққатларини шахсий фирмларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда янги фирмлар илгари сурilmайди. Методни кўллашдан кўзланган асосий максад ўқувчиларни муаммо бўйича кенг фирм юритишга ундаш эканлигини ёдда тутган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаб боришдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Намуна:

Ақлий хужуми. 4 гурух тузинг ва қуидаги муаммоларни мухокама қилинг. Ўз фирмларингизни бошқа гурухлар билан баҳам кўринг

| | |
|---------|--|
| 1-гурух | Анатомик термин тузиш ва таржима қилиш |
| 2-гурух | Клиник ташхис қўйиш ва уни юнон тилига таржима қилиш |
| 3-гурух | Фармацевтик термин тузиш ва уни лотин тилига таржима қилиш Рецепт ёзиш қоидаси |

| | |
|---------|--|
| 4-гурӯҳ | Барча тиббиёт терминлари бўйича истисно холатлар |
|---------|--|

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат килувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йифиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

| Фаолият тури | Иш шакли | |
|-------------------|---|--|
| | Индивидуал | Гурӯҳий |
| Таълимий фаолият | Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. | Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯхи портфолиоси ва бошқ. |
| Педагогик фаолият | Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси | Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ. |

«Скарабей» интерфаол технология бўлиб, у тингловчиларда фикрий боғликллик, мантикий фикрлаш, хотираларининг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология тингловчиларга мустақил равишда ўз билимларининг сифати ва савиёсини холисона баҳолашга, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниклашга замин яратади. У айни пайтда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги

боғлиқликларни аниқлашга ҳам хизмат қилади.

«Скарабей» технологияси универсал технологиялардан бўлиб, ундан ўқув материалларини тингловчилар томонидан эгаллашнинг турли босқичларида, яъни:

- бошида - ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («Аклий ҳужум») услугби;

-мавзуни ўрганиш жараённида - унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш; мавзу мазмунни ичидағи асосий кисмлар, тушунчалар, алокалар характеристикини қилаш, мазмунниянада чуқурроқ ўрганиш, яна нги жиҳатларини кўрсатишида;

-охирида - олинган билимларни мустаҳкамлаш ва якунлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. «Скарабей» технологияси тингловчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг

фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Технология таълим олувчилар тажрибасидан фойдаланишни қўзда тутади, рефлектив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиши мумкин.

«Скарабей» технологиясидан якка ҳолда, кичик гурухларда ва жамоа бўлиб ишлашларида фойдаланиш мумкин.

Мазкур технологияни амалга ошириши тартиби:

аклий ҳужум¹ методи ёрдамида тингловчиларнинг билимларини текшириш мақсадида уларни фаол ҳаракатга чорланади;

- тингловчилар кичик гурухларга бўлинадилар, лекин истисно ҳолат учун якка ёки жуфт тарзда ишлайдиган, юқори натижаларга эришишни қўзлайдиган тингловчиларнинг фаолият олиб боришларига ҳам йўл қўйилади;

- тингловчиларга муаммоли вазиятларни ифода этувчи топшириқлар берилади;

- топширикни гурух ичида тезкор ғояларни билидириш орқали бажарадилар;
- гурух фаоллари ичидан ягона эксперт танланиб, у ғояларни ранжирлаш билан шуғулланади;
- танлаб олинган ғоялар тақдимот сифатида гурух аъзоларининг бири томонидан аудитория олдида ўз ғояларини аҳамиятлилиги ва ассоциатив мантикий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, намоён қилиб, тагма-таг осиб тақдимот қилинади.

Бериладиган тезкор саволлар

Тингловчиларни фаоллаштириши учун

1. Модулли технологиялар?
2. Ўқув модули?
3. Модулли ёндашув



ФСМУ технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишида ёки ўқув-семинариларнинг ўқув машғулотлари хамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш максадида) ёки ўқув рсжаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач кўлланилиши мумкин. Чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя килишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга утказишига, очиқ ҳолда баҳслashiшга, шу билан қаторда тингловчилар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини баҳолашга хамда аниқлашга, тингловчиларни баҳслashiш маданиятига ўргатади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи ҳар бир тингловчига **ФСМУ** технологиясининг тўрт боскичи ёзилган қофоз ва рақларини таркатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни

илтимос киласи. Бу ерда:

- Ф - фикрингизни баён этинг;
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- М - кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг; -У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ўқитувчи тингловчилар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо) ни белгилаб олади;

- якка тартибдаги иш тугагач, тингловчилар кичик гурухларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гурухларга ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;
- кичик гурухларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт боскич бўйича ёзишларини таклиф этилади;
- ўқитувчи кичик гурухларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида химоя қилишларини сўрайди;
- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан кунланади.

1-гуруҳ учун вазифа:

“Комуникатив компентентлик”
бўйича куйидаги
фикрларингизни баён этинг:

- Ф- Фикрингизни баён этинг;
- С- фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
- М-курсатилган сабабни тушунирувчи
(исботловчи) мисол келтиринг;
- У - Фикрингизни умумлаштиринг.


2-гуруҳ учун вазифа: “Тизимли

компентентлик” бўйича
куйидаги фикрларингизни баён
этинг:

- Ф- Фикрингизни баён этинг;
- С- фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
- М-курсатилган сабабни тушунирувчи
(исботловчи) мисол келтиринг; У - Фикрингизни умумлаштиринг.

Балиқ скелетиң методини самаралы амалга ошириш қоидалари:


1) Фикрлашга түлиқ эркинлик берилади;



- 2) бериләетган ғоялар миқдори қанча күп бўлса, шунча яхши;


3) мавзу асосида берилган ғояларни ёзиб, кўринадиган жойга осиб
кўйиш зарур;

4) берилган янги ғояларни яна тўлдириб, катнашчилар
рағбатлантирилиши лозим;






2-гурұх үчүн топшириқ



3-гурұх үчүн топшириқ





“Ғоялар ғилдираги” методи

«Ғоялар ғилдираги» шундай принципга асосланади, қаерда қандайдир муаммони ҳал қилиши учун ғояларнинг маълум сонининг рўйхатини келтириш зарурый шарт бўлади, камида саккизта ғояни келтириш лозим.

Фойдаланиши бўйича тавсиялар:

1. Ўртасига ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ёки масалани ёзасиз.
2. Саккиз – бу ўзаро келишув асосидаги вариант, умидсизликка тушиш учун унчалик катта сон эмас, агар сиз шунча ғояларни бирданига топишга эришаолмасангиз.

Бизнинг миямизнинг онгсиз қисми ўзининг ижодий имкониятлари чегарасини билмайди, шунинг учун (назарий жиҳатдан) сиз ғояларнинг берилган сонини осонгина ўйлаб чиқаришингиз мумкин.

3. «Ғоялар ғилдираги» Ҳар хил сондаги кегайлардан иборат бўлиши мумкин: 4;6;7;

Гурұх фаолиятини бақолаш

| Гурұх | Муаммолитопшириқни ечиш | | | Гурұх фаоллиги | Баллар йигиндиси |
|-------|---|------------------------|--------------------|-------------------|---------------------|
| | Вазиятни таҳлил қилиш ва йүналишни танлаң олиш | Яңғи изходий ғоялар | Яқуний тақдимот | | |
| 1. | 0.5 | 1.0 | 0.6 | 0.4 | 2.5 |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Лотин тили ва тиббиёт терминологияси

Режа:

1.1 Лотин тили ва тиббиёт терминологияси хусусиятлари

1.2 Лотин тилида терминлар. Тиббиёт терминологияси.

1.3. Тиббиёт терминологиясининг уч йўналиши. Анатомик йўналиш.

Клиник йўналиш.

1.4. Фармацевтик йўналиш.

Асосий таянч тушунчалар: терминология, тиббиёт, Антик тиббиётни, Ехерситатио анатомиса.

1.1 Лотин тили ва тиббиёт терминологияси хусусиятлари

Лотин тили (Lingua Latina) Ҳинд-Европа тиллар оиласининг италиян гурухига мансуб бўлиб, лотин тилида сўзлашган қабиланинг номидан олинган.

Аввал бу тилда лотинлар – Италия марказидаги Лация оролида яшовчилар (қабила-урӯғ), шунингдек, қадимги Римда яшовчилар ва милоддан аввалги I асрда Апенин ярим оролида Римнинг италия қабилалари хукмронлиги остидаги уруғлар сўзлашган. Милоддан аввалги III аср ўрталаридан бошлаб лотин тили рим регионлари билан қадимги маданият ўчоқлари бўлмиш – Юнонистон, Карфаген, Миср, Сурия ҳамда Европанинг ўша даврда маданияти кам тарақкий этган қабилаларига кириб боради. Астасекин Лотин тили территорияси ҳозирги Руминия ва Португалия ерларини ҳам эгалланган улкан Рим империясининг хукмрон тилига айланди. Лекин агар Европанинг ғарбий қисмида лотин тили ҳеч қандай қабила тили қаршилигига учрамай етарли даражада тез тарқалган бўлса, Ўрта ер денгизи ҳавзасида – Юнонистон, Кичик Осиё, Мисрда узоқроқ давр давомида ёзма шаклланган, лотин тилига нисбатан юқори маданият даражасини ўзида акс эттирган тиллар қаршилигига учрайди. Бу худудларда юон ва эллин ёзуви катта роль ўйнаган. Юнонлар билан бўлган алоқаларни йўлга қўйиш жараёнида римликлар Юнонистоннинг юқори даражада ривожланган маданиятининг улкан

таъсирини сезганлар.

1.2 Лотин тилида терминлар. Тиббиёт терминологияси.

Милоддан аввалги 460 – 370 йилларда яшаб, ижод қилған юнонистонлик Буқрот уз асарларидан илмий тиббий атамашуносликка асос солған. Буқрот асарларида қўлланган атамаларнинг катта қисми халқаро тиббий лугатга киритилган. Буқротдан сўнг қадимги юонон тилидаги тиббий атамашуносликнинг шаклланишида Александрия тиббиёт мактабида Герофил III (тажминан милоддан аввалги 330йилда туғилган), Эрозистар (тажминан милоддан аввалги 330-240-йиллар), кейинроқ Руф Эфесский (тажм.милоддан аввалги I аср) ва ўқимишли олим, файласуф, врач, анатом, фармацевт Клавдий Гален (тажминан милоддан аввалги 129 йиллар) энг кўп хисса қўшганлар. Улар Буқрот билан бирга бўлғуси илмий тиббий атамашуносликка асос солганлар ва унинг подеворини яратишган. Антик тиббиётни, асосан юононлар шакллантиришган. Рим бино бўлгандан буён унинг маданий ҳаётида Юнонистоннинг табиий, илмий ва тиббий фанлари роль ўйнайди. Жуда кўплаб юононча ва лотин тилида сўзлар даврлар мобайнида лотин тилига кирди.

Роман тилларига асос вазифасини оғзаки лотин тили бажаради. Шу билан бирга адабий лотин тили китобий, ”ilm” тили сифатида сунъий равища ўсишни Ғарбий Европада, яна 100 йиллар мобайнида ўрта асрлар даврида – ўрта аср лотин тили, юксалиш (XIV-XVI асрлар) даврида гуманитар лотин номи билан давом эттирди. Мазкур даврда лотин тилида ўқитилди, илмий асарлар яратилди. Қадимги юонон ва араб ҳакимлари асарлари лотин тилига ўгирилди. Абу Али ибн Сино (Авиценна (980-1037)нинг ”Тиб қонунлари” асари XII асрдаёқ лотин тилига ўгирилиб, қарийиб XVI аср охиригача Европада тиббиётни ўқитиш учун асосий манба сифатида фойдаланиб келинди.

Юксалиш даврининг инсонпарвар олимлари лотин тилини сохталаштириш, дағаллаштиришга қаршилик кўрсатиб, араб сўзлари аралашиб бораётган тоза, классик лотин тилини сақлаб қолиши учун кескин

курашиб келгандар. Ҳозирда айтилиши ва ёзилиши лотин транскрипциясида бўлган юонча сўзлар Эразм Роттердамский (1469-1536) томонидан ишлаб чиқилган. Юксалиш даврида лотин тили ўз мавқенини эгаллаб оғзаки ва ёзма ахборотларда фаннинг ҳамма соҳаларида олимларнинг мунозара ва тортишувларида қўллана бошлади.

Худди шу даврда халқаро тиббий атамашунослик лотин тили асосига кўчади. Йирик италиян анатоми, одам анатомияси бунёдкори Андрей (Андреас) Везалий (1514-1564) анатомия фани бўйича дарс берган ва лотин тилида ўзининг “Де ҳумани сорпорис фабриса” – “Инсон танасининг тузилиши” номли классик асарини ёзган. Везалий лотинча анатомик атамашуносликнинг такомиллашишида “тўғри” соф лотин тилининг қайта тикланишида сара асарларга асосланиб хайрли, ибратли ишларни амалга оширган. Атоқли инглиз шифокори, қон айланиш тизимини кашф этган Уилям Гарвей (1578-1657) ўзининг “Ехерситатио анатомиса де моту сордис эт сангвинис ин анималибус” – “Ҳайвонларда юрак ва қон ҳаракати борасида анатомик тадқиқот” асарини лотин тилида ёзган. Лотин тилида Европа мамлакатл арининг атоқли мутафаккирлари, файласуфлари, олимлари, ҳакимлари – Ф.Бекон, Т.Моор, М.Малпиги, Т.Гоббс, И.Нютон, Р.Декарт, Г.В.Лейбнис, Н.Коперник, К.Линней ва қўплаб бошқалар ўз асарларини ёзиб қолдирганлар.

М.В.Ломоносовнинг қўпгина асарлари ҳам лотин тилида ёзилган. Рус таржимонлари рус тиббий атамашунослиги яратилишида фаол меҳнат қилганлар, Россияда биринчи анатом профессор, академик Ф.П.Протасов рус тилидаги анатомик атамашуносликка асос солди. Ривожланиб бораётган рус тиббий атамашунослигига илмий атамаларни қўллаш ва тартибга солишга XVIII аср рус шифокори ва маърифатчиси Н.М.Максимович-Алебадик хизмат кўрсатган.

XVIII асрда лотин тили Европа илм-фанида оммавий тан олинган тил сифатида миллий тиллар билан биргалиқда фан таркибиға кириб кетди. Ҳатто XIX аср ўрталарида ҳам тиббиёт борасидаги қўплаб асарлар лотин тилида

ёзилар эди. Масалан, рус хирурги Н.И.Пирогов (1810-1881)нинг оператив хирургия ва топографик анатомияга оид ("Музлатилган мурда устида уч йўналишда ўтказиладиган аралаш топографик анатомия", 1889) асари ва бошқалар. Атоқли рус фармакологи И.Й.Дядковский ўзининг машҳур "Одам танасига дори-дармон таъсири этиш усуслари" номли диссертациясини лотин тилида ёзиб, ҳимоя қилган. 1865 йилгача рус фуқаро ва ҳарбий фармакопеялари лотин тилида босиб чиқарилди. Касаллик тарихи ҳам лотин тилида ёзилар эди.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўллёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан кам топилади.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиёда ислом ёки мусулмон маданияти деб аталган маданият кенг ёйилди. Ислом маданиятининг минтаقا маданиятига айланиши осонлик билан бўлмаган. Фақатгина VIII асрнинг иккинчи ярми – IX аср бошларида минтақанинг уч буюк халқи – араб, форс ва туркий элатлараро сиёсий қудратга ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди. Исломнинг асл ғояси – мусулмон умматининг тенглиги амалда жорий бўлишига воқе имкон туғилди. Шу даврдан бошлаб, минтаقا халқлари орасида ислом динининг нуфузи тез ошиб борди.

Ўрта Осиёлик илм аҳли, мутафаккирлар шу даврлардан бошлаб қадимги юонон фалсафаси, фани, адабиёти ва санъатини фаол ўргана бошладилар. Антик давр мутафаккирларининг таълимотлари ўша даврда Шарқда илм-фан ва фалсафанинг тараққий этишига асос бўлди.

Ўрта Осиёда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги улкан ютуқлар Уйғониш даври натижаси бўлиб ҳисобланади. Бу даврда сиёсат ва

хуқуқшунослик фанлари, адабиёт ва санъат, тиббиёт ва фалсафа фанларида юксак тараққиёт кўзга ташланди. Инсон муаммоси Уйғониш даври арбоблари томонидан илк бор ижод ва тафаккур оламига кириб келди ва қўлга киритилган барча ютуқлар инсоннинг ўзини камол топтиришга ҳизмат қилди. Бу давр учун ўз ижодкорлари зарур эди ва тарих ана шундай ижодкорларни яратди. А.В.Сагадеев таъкидлаганидек, “Шарқ фалсафий ғояларининг ўрта аср Европа дунёқарашига, ундан сўнг Уйғониш даврига ҳам таъсири шакшубҳасизdir. Энг аввало, бу таъсир уч улкан файласуф: Ибн Сино (Авиценна), Ибн Рушд, Ибн Халдундан бошланади. Ибн Синонинг фалсафий мероси уч маданий худудда: мусулмон Шарқи, мусулмон Ғарби ва Христиан Ғарбидаги фалсафанинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди”. Айниқса Ибн Рушдининг ғоялари августвчилар орасида машҳур бўлиб, унинг таъсирини Буюк Альберт, Фома Аквинский, Дунс Скот асарларида кўриш мумкин эди. Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ином ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар яратган илмий-бадиий мўжизалар ҳанузгача дунёдаги маърифат аҳлини ҳайратга солади. Улар яратган асарлар, илм-фан дурдоналари, кашфиётлар миллий маданиятимизнинг фахри ҳисобланади.

Ўрта асрлар Шарқ фани ва маданияти етакчилари орасида шубҳасиз, ўз даврида замондошлари томонидан “Муаллим ус-соний” (“Иккинчи муаллим”), Европада Alfarabius ёки Avennasar деб ном берилган Абу Наср Форобий (870-950)нинг бу борадаги хизматлари бебаходир. Унинг ижтимоий-сиёсий ғоялари, идеал давлат ҳақидаги қарашлари, айниқса, тараққийпарвар тавсифга эгадир.

1.3. Тиббиёт терминологиясининг уч йўналиши. Анатомик йўналиш.

Клиник йўналиш.

Тиббиёт терминологияси уч йуналишга эга: анатомик, клиник ва фармацевтик йуналишлардир. Тиббиёт терминологияси асосан лотин ва юонон тилларига асосланади.

Анатомик йуналиш тиббий биологик фанларда лотин тили оркали намоён этилади. Анатомияда хар бир орган лотин тилида лугат формаси асосида номланади.

Мисол учун:

| | |
|------------------------|--------------------|
| <i>homo, inis, m</i> | одам |
| <i>apex, icis, m</i> | чукки уч |
| <i>radix, icis, f</i> | илдиз |
| <i>os, ossis, n</i> | суюк |
| <i>gaster, tris, f</i> | ошкозон |
| <i>mater, tris, f</i> | она, мия пардаси |
| <i>pia mater</i> | юмшок парда мияси |
| <i>dura mater</i> | каттик парда мияси |

Анатомик йуналишда родлар, келишиклар ва сонлар каби суз туркумлари анатомик термин тузишда муҳим рол уйнайди.

| | | |
|-------------------------|---|------------------------|
| <i>sulcus nervi</i> | - | нервнинг егати |
| <i>crista tuberculi</i> | - | дўмбоқчанинг қирраси |
| <i>ramus mandibulae</i> | - | пастки жағнинг шохчаси |

Қаратқич аниқловчи ўзбек тилидан лотин тилига таржима қилинганда ега биринчи ўринда келади, аниқловчи ўзи аниқлаган отдан кейин келади:

умуртқанинг танаси – сорпус вертебрае
нима? – тана (б. к.) ниманинг? – умуртқанинг (қ. к.)

Клиник йуналиш

Кадимги Юнонистоннинг табиблар оиласидан чиккан Гиппократ уз замонасиининг етук табиби эди. Гиппократ касални аниклаш билан бирга унга

ташхис куя олди. Шундан бери ташхис факат юонон тилида куйилади. Ташхис куйилганда тана аъзосининг юонон варианти олинади ва унга керак булган ташхис куйилади.

Мисол учун:

| | | |
|-------------------------------|------------------|----------|
| Лотин | узбек | юонон |
| homo, inis, m | одам | antropos |
| os, ossis, n | суюк | osteon |
| mater, tris, f | она, мия пардаси | meninx |
| Инсон хакидаги маълумот – | antropologiya | |
| Суюк хакидаги маълумот – | osteobiologiya | |
| Бош мия пардасини яллигланиши | meningities | |

1.4. Фармацевтик йўналиш.

Тиббиёт терминологиясининг учинчи йуналиши фармацевтика хисобланади. Фармацевтика юонон тилидан таржима килинганда доришунослик деган маънени англаради. Доришунослик лотин тилида уқитилади. Фармацевтик йуналишда дори формалари уларни ёзилиши рецептура, рецепт ёзилиши ва рецепт конунларига буйсунмайдиган холатларни куриш мумкин.

Масалан: Unguentum «Calendula» — «Kalendula» surtmasi

Tabulettae «Urosalum» — «Urosal» tabletkalari

Дори шаклини белгиловчи мослашган аниқловчи препарат номида
охирги

ўринда қоиланади ва дори шакли билан мослашади.

Масалан: Unguentum Hydrargyri cinereum - Симобнинг қулранг суртмаси

Extractum Belladonnae spissum – Белладоннанинг қуюқ экстракти
Қайнатма ва дамлама номларида хомашё номи дори шакли ҳамда ўсимлик номлари ўртасида қаратқич келишигига қўлланилади.

Масалан: *

Infusum radicis Valerianaе - Валериана илдизининг дамламаси.

Decoctum rhizomatis Tormentillae — ғозпанжа илдизпоясининг қайнатмаси.

2-мавзу. Клиник терминологиянинг хусусиятлари

Режа:

2.1. Клиник терминологиянинг хусусиятлари. Клиник терминлар.

2.2. Юонон сўzlари хақида. Клиник терминларнинг ясалиши.

2.3. Мураккаб клиник терминларни ясалиши.

2.1 Клиник терминологиянинг хусусиятлари. Клиник терминлар

Асосий таянч тушунчалар:

Клиника, клиник термин, префикс, суффикс, юонон тилига таржима

Клиник терминология анатомиядан кейин, яъни талабалар лотин грамматикасининг асосий қоидаларини ўзлаштириб булгач ўрганилади.

Клиник терминологияни ўрганиш атама элемент деб номланувчи алоҳида компонентларинг таҳлилига асосланади. Клиник ташхис сўз ясовчи элемент, ўзак, негиз, олд қўшимча префикс, суффикс атама элементларидан иборат. Клиник терминология юонон тилига асосланади.

Клиник терминология юонон табиби Гиппократ томонидан кулланилган ва шу кунгача клиник ташхис фактат юонон тилида қуйилади. Юонон сұzlари - os, -on, -ia, -ta, қушимчаларига тугайди. Бу шакл юонон отларининг бош келишик қушимчаси хисобланади.

| | | |
|-----------------|---------|-----------|
| Лотин | узбек | юонон |
| Caput, it is, n | бош | cephalos |
| Vertebra, ae, f | умуртка | spondylon |
| Genu, us, n | тизза | gonos |

Кўпчилик юонон ва лотин терминлари ўзбек тилига (ўзбек тили грамматик қоидасига асосан) таржимасиз кўчирилади. Масалан: *chronicus, a, um* — хроник; *infarctus, us m* - инфаркт. Баъзи ҳолларда термин билан бирга

унинг таржимаси ҳам берилиши мумкин. Масалан: *necrosis, i s f-* nekroz, o'lish; *transplantatio, o n is,f~* трансплантация, кучириб ўтказиш.

Бир сўзли атамалар ясаш учун ўзак ва атама элементлами билиш зарур. Медицинага оид атамаларда ургу қўйиш қийинчилик келтириб чикаради. *-ia* қўшимчаси билан тугалланувчи юонча клиник атамаларда ургу сўз охиридан 2- бўғинга,, *logia* сўзида эса охиридан 3- бўғинга қўйилади. Масалан:*nephrectomia, hemiplegia, hypertonia, biologia, phyziologia; -pathia, -graphia, -phonia* атама элементлари медитсинага оид атамаларда қоиланганда уифу сўз охиридан 2- бўғинга, бошқа соҳаларга оид атамаларда эса сўз охиридан 3- бўғинга тушади.

2.2. Юонон сузлари хакида. Клиник терминларнинг ясалиши

Юонон тилидаги сузлар ихчам ва мукаммаллиги билан бошқа тиллардан фарқ килади. Юонон тилида куйилган клиник ташхис ўзбек тилида бир неча сўзда берилган тушунчани ифодалайди.

Масалан: *stomatitis, i s f-* оғиз бўшлиғи пардасининг яллиғланиши.

Медицинага оид атамаларни ўрганишда сўз ясаш воситалари ва усулларини билиш катта аҳамиятга эга.

Клиник терминларни ўзлаштириш методикаси алоҳида атама элементларининг маъносини тушуниш ва ясама ёки мураккаб атамалар ясаш усулларини назарда тутади. Клиник терминлар одатда ясама ёки қўшма сўзлардан ифодаланади. Ясама сўзлар префикс + ўзак; префикс + ўзак + суффикс; ўзак + суффикс: *nephritis* - нефрит, буйракнинг яллиғланиши;

para + nephri+ itis — паранефрит, буйрак атрофининг яллиғланиши

Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзакдан ясалади. Юононча

ўзаклардан қўшма сўз ясалганда кўпинча <> интерфикс қўлланади.

Масалан: *gastr + o + scopia* — гастроскопия, гастроскоп ёрдамида ошқозон

шиллиқ пардасини асбоб ёрдамида текшириш; *ot + o + rhin + o + logia* медицинанинг қулоқ, бурун, томоқ касалликларини даволаш билан шуғулланувчи таълимот.

Лекин «о» унлиси тушиб қолиши ҳам мумкин: *tonsillectomia* тонзиллектомия — бодомчани тўла олиб ташлаш.

Бўлажак врачни клиник терминология жиҳатдан тайёрлаш ундан фақатгина атамаларни тушунишгина эмас, балки уларни ўзлаштириб амалда қўллаш кўнилмаларини шакллантиришни ҳам талаб қиласди.

Бу эса унга ўз касбининг илмий тилини эгаллашга ёрдам беради.

Атама элементлар қўйидаги турларга булинади:

1. Юнон ўзак атамалари - лотинча анатомик номларнинг эквивалентлари хисобланади . Масалан:

Бурун — rhin — nasus, i, m

Лаб — cheil — labium, i, n

2Сўз охирида қоиланувчи атама элемент — орган ва тўқималардаги патологик ўзгаришлар, оператсия турлари, диагностик текшириш ёки даволаш усулларини ифодалайди. Масалан: *ectomia* - органни бутунлай олиб ташлаш *scopia* - маҳсус асбоб ёрдамида органлами ички девори ва юзларини текшириш, *necrosis* — тўқима ва органлами оииши.

3. Аффикс (prefiks va suffikslar) маъно ташиш жиҳатидан а ўзак атама элементларга teng. Масалан: *dys-* - бузилиш, бирор бир функциянинг издан чиқиши; *-itis, -itidis* — бирор нарсанинг яллиғланиши. Масалан: *dystonia* - тонуснинг бузилиши, *gastritis* - ошқозоннинг яллиғланиши.

Атама элементлами ўзлаштириш талабаларга сўз бойлигини кенгайтириб медитсинага оид атамалами бемалол тушуниш имконини беради.

Масалан:

Arteria — атама элементдан 50 га яқин, *haem* ва *aemia* атама элементдан эса 150 дан ортиқ атама ясалган. атама элемент эса 100 атама таркибида учрайди. Атама элемент баъзан бир неча сўз ясовчи элементлар: ўзак + суффикс + қўшимча ёки префикс + ўзак + суффикс + қўшимчадан ифодаланиши мумкин. Масалан: *scler + os + is, ec-tom-ia* атама элементлар асосан сўз бошида ёки сўз охирида келувчи компонентларга бўлинади.

Масалан: *hyper* — юқори, нормадан юқори, усти; *steth* қўкрак — бошланғич

атама элементлар, *prhagia* — қон кетиш, *oma* — ўсма, шиш — охирги атама элемент ва ҳоказо.

Лекин жуда кўп атама элементлар атаманинг бошида ҳам, охирида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: *spkmmegalia, a e f— megalosplenia, ae f* — талоқнинг катталашуви.

Айрим мустақил маънога эга бўлган сўзлар ҳам сўнг атама элемент сифатида қўлланиши мумкин: *ptosis, is f* — птоз, кўз қовоғининг тушиши;

gastro ptosis, is f — гастроптоз, ошқозоннинг тушиши, пасайиши;

necrosis, is f — некроз — тўқима ёки органнинг ўлиши;; *osteonecrosis, i s f* — osteonekroz, суяк бўлимининг ўлиши.

2.3. Мураккаб клиник терминларни ясалиши.

Клиник терминологияда ташхис юон тилида куйилади. Ташхис куйишида префикс, суффикс ва юон тилидаги тана аъзоларидан фойдаланилади.

Клиник терминлар, ясовчи атама элементлар, аъзо ва бош қисмларни ифодаловчи юон-лотин дублетлари клиник ташхис куйиш учун хизмат килади. Илмни, фанни, диагностик усулларни, даволаш, касалликларни ифодаловчи юон атама элементлари - Юон-лотин дублетлариидир. Органлардаги ва тўқималардаги патологик, ўзгаришларни, терапевтик ва хирургик усулларни ифодаловчи юон атама элементлар клиник ташхис куйилганда уларни клиник узгаришларини аник ифода этади.

Клиник ташхис куйилганда префикс муҳим рол уйнайди.

Юон префикслари

| | |
|-------|----------------|
| a, an | йук |
| exo | ташки |
| endo | ички |
| hypo | нормадан паст |
| hyper | нормадан юкори |
| -syn | биргаликда |
| Para | атрофида |

Юнон суффикслари

| | |
|------|----------------------|
| osis | суринкали яллигланиш |
| itis | яллигланиш |
| oma | саратон касаллиги |

Мураккаб клиник терминларни ясалишида префикс ва суффикслар мухим рол уйнайди.

Мисол учун:

| | |
|---------------|--|
| Hypertonia | артериал босимнинг нормадан юкори булиши |
| Macrocephalia | катта бош |
| Endometritis | бачадон ички мускулининг яллигланиши |
| Parodontitis | тиш атрофининг яллигланиши |
| Amnesia | хотиранинг йуклиги |
| Cytologia | хужайра хакидаги фан |
| Paranasalis | бурун атрофи |
| Anhydrosis | терламасилик касали |
| Sympathia | узаро илик муносабат |
| Polyangiitis | куп томирларнинг яллигланиши |
| Apodia | товорнинг йуклиги |
| Hydrocephalia | бошда сув |

3- мавзу: Клиник терминларни шакллантириш .

Режа:

3.1. Клиник терминларни таҳлил қилиш. Сўз ясаш воситалари. Сўз ясаш усувлари.

3.2. Мураккаб терминлар. Мураккаб терминлар ясаш кўникмаларини ўстириш. Врачни терминологик жиҳатдан тайёрлаш.

Асосий таянч тушунчалар:

Клиника, термин, префикс, аффикс, суффикс, врач, суз элементи

3.1. Клиник терминларни таҳлил қилиш. Сўз ясаш воситалари. Сўз ясаш усуллари.

Клиник терминларни таҳлил қилишда инсон танасининг лотин тилидаги вариантини билиш мухимдир. Инсон тана аъзоларининг лотин тилидаги варианти яъни лугат формаси қуидагича:

Отнинг бош келишикдаги формаси

Отнинг караткич келишик формаси

Отларнинг роди

Инсон тана аъзолари жойлашуви хам мухим рол уйнайди. Суз ясаш воситаларида олд кушимча органнинг кайси позицияда турганлигини аник курсатади. Суз ясаш воситаларига купрок от суз туркуми мисол була олади. Масалан: ковурга – ковургага тегишли,

Умуртка – умурткага тегишли

Канот – канотга тегишли

Шунтнгдек, юонон сифатлари от суз туркумидан ide ёрдамида ясалади. Масалан, бигиз – бигизсимон,

Ханжар – ханжарсимон

Сигма – сигмасимон.

Префикс бу сўз бошида жойлашган сўз элементи. Бир префикс ўрнига бошқа префиксни қўйиш сўз маъносини ўзгартиради. Префикс, одатда, сон, вақт, макон ёки инкорни ифодалайди. Ушбу дарслиқда префикс якка ҳолда келса, охирига дефис қўйилади.

1.1. *Macro/cyte* атамасида *macro*- катта маъносини англатувчи префикс; *-cyte* хужайра маъносини англатувчи суффикс. *Macro/cyte* – катта хужайра.

Macro- префиксини *micro*- га ўзгартириб *кичик ҳужайра* янги атамасини шакллантиринг:

_____ / _____

1.2. *Post/nat/al* туғилишдан кейинги даврга тааллуқли маънони англатади. Атама элементларини маъносига кўра аниqlанг:

-ga oid: _____

keyin, ort: _____

tug'ilish: _____

- 1.3. *Pre-(олдин)* префиксидан *тугилишидан олдин (давр) га оид* маъноли сўз ясанг:

_____ / _____ / _____

- 1.4. *Intra/muscular, post/nat/al, peri/card/itis* ва *pre/operative* префикс тутган тиббий атамалардир. Префиксни маъносига кўра аниқланг:

ich: _____.

keyin: _____

atrof: _____

oldin: _____

- 1.5. *Hyper/insulin/ism* сўз элементларини таҳлил қилинг:

hyper- _____

insulin _____

-ism _____

- 1.6. *Pre/operative* жарроҳликдан олдинги вақтни англатади. Префиксни ўзгартирганингизда, Сиз сўз маъносини ҳам ўзгартирасиз.

Жарроҳликдан кейинги вақтни англатувчи сўз ясанг: _____ / _____.

Тиббий сўзларни таърифлаш

Тиббий сўзни таърифлашда дастлаб сўз бошини аниқлаш керак. Сўнгра, сўз ўртаси ва ниҳоят, суффикс аниқланилади. Куйида *osteoarthritis* атамаси намуна қилиб келтирилган:

oste/o/arthr/itis

(1) (2) (3)

1. Сўз боши аниқланилади: *oste/o* – суюк.

2. Сўз ўртаси аниқланилади: *arthr* – бўғим.

3. Аввал суффикс аниқланилади: - *itis* – яллиғланиш.

Демак, *oste/o/arthr/itis* суюк ва бўғим яллиғланиши.

- 1.7. Юқорида кўрсатилгани каби *gastr/o/enter/itis* атамасини таърифланг:

Биринчи элемент: _____ / _____

Иккинчи элемент: _____

Учинчи элемент:¹ _____

Ундош харфлар билан келган сўз ўзаги ва БШ ҳамда **кўқ рангда** бериладиган суффиксларга қўшимча равишда, якка ҳолда келган барча префиксгар **пушти ранг** билан белгиланади.

Талаффуз меъёрларини кўриб чиқинг. Улардан маълумотнома сифатида фойдаланинг. Сўнг, қуйида берилган машқларда қавс ичидаги тўғри банднинг тагига чизинг:

1. Диакритик белги ^ˇ (бревис, макрон) деб номланади.
2. Диакритик белги ^ˉ (бревис, макрон) деб номланади.
3. Макрон (ˉ) унли товушни (қисқа, узун) талаффуз қилиш учун қўлланилади.
4. Бревис (ˇ) унли товушни (қисқа, узун) талаффуз қилиш учун қўлланилади.
5. Агар *pn* сўз ўртасида келса, (фақат *p*, *n*, *pn*) талаффуз қилинади. Мисол учун, *orthopnea*, *hyperpnea*.
6. *C* ва *g* харфлари а ва о харфларидан олдин (қаттиқ, юмшоқ) еши билади. Мисол учун, *sardiас*, *cast*, *gastric*, *gonad*.
7. Агар *pn* сўз бошида келса, (фақат *p*, *n*, *pn*) талаффуз қилинади. Мисол учун, *pneumonia*, *pneumotoxin*.
8. Агар *i* сўз охирида келса (кўплик шаклда), (*eye*, *ee*) каби талаффуз қилинади. Мисол учун, *bronchi*, *fungi*, *nuclei*.
9. *Ae* ва *oe* келса, фақат (биринчи, иккинчи) унли талаффуз қилинади. Мисол учун, *bursae*, *pleurae*, *roentgen*.
10. Агар *e* ва *es* сўз якунида келса, улар одатда, (кўшма, алоҳида) бўғин сифатида талаффуз қилинади. Мисол учун, *syncopе*, *systole*, *appendicес*.²

Мураккаб атамалар от ва сифатлардан иборат булиб, уларни лотин тилига таржима килганда биринчи булиб, от таржима килинади.

¹Barbara A.Gyllys, Regina M.Masters”Medical Terminology Simplified fourth edition
“USA2010/Chapter-I.P.9-10

²Barbara A.Gyllys, Regina M.Masters”Medical Terminology Simplified fourth edition
“USA2010/Chapter-I.P.13

Куйида берилган клиник терминларни тузинг. Мураккаб клиник терминларни таржима килинг

1. Клиник термин тузинг.

Бачадонни, буйракни кесиб олиб ташлаш;

Лимфа ва юрак ҳақида фан таълимот;

Бурунни, қулоқни асбоб ёрдамида текшириш;

Сийдик пуфагини, жигарни яллиғланиши;

2. Клиник терминларнинг маъносини очинг.

macropodia

stomatologia

leucopenia

omphalitis

1. Олд кушимчанинг маъносини аникланг

Hyper – ости

Inter – ички

Endo – устидаги

Infra – оралиқ

An – йук, сиз

2. Суффиксларнинг маъносини аникланг

Osis – яллиғланиш

E – кичрайтирувчи

OI – тегишли

itis – сурункали яллиғланиш

ide – ухшаш

1. Клиник термин тузинг.

Лимфанинг, мускулнинг ўсмаси;

Жигарни, бошни рентген таъсвири;

Оқ қон таначаси, қизил қон таначасини нормадан юқори бўлиши;

Қинни, пуфакни оператив йўл билан кесиш;

2. Клиник терминларнинг маъносини очинг.

macrocephalia;

pneumothorax;

chirurgia;

1. Олд күшимчани маъносини аникланг

ома- сурункали яллигланиш

cul- ухшаш

ar- усма

ide- кичрайтириш

osis- тегишли

2. Суффиксларнинг

Hyper – ости

Inter – ички

Endo – устида

Infra – оралик

An – йук, сиз

1. Клиник термин тузинг.

Умуртқада, кўкрак қафасида оғриқ;

Бош мияни, тоғайни юмшаб кетиши;

Қинни, пуфакни кесиш;

Сувни, қонни яхши кўриш;

2. Клиник терминларнинг маъносини очинг.

haematuria;

osteoarthropathia;

colostomia;

3. Олд күшимчани маъносини аникланг

Hypo – ташки

Syn – карши

Peri – нормадан паст, ости

Contra – ёни, атрофи

Extra – ички

4. Суффиксларни маъносини аникланг

Osis – yalig‘lanish

E – kichraytiruvchi

Ol – tegishli

it is – surunkali yallig‘lanish

ide – o‘xshash

1. Klinik termin tuzing.

Qonni, siydikni, suvni to‘xtashi;

Jigarni, buyrakni operativ yo‘l bilan yopishtirish;

Sochning, tirnoqning yo‘qligi;

Dori bilan, havo bilan davolash;

2. Klinik terminlarning ma’nosini oching.

proctologia

haemostasis

macropodia

1. Олд кушимчани маъносини аникланг

Extra – бирикиши

in – йук, сиз

sym – усти

hyper – ташки

endo – ички

1. Суффиксларни маъносини аникланг.

ома-сурункали яллигланиш

cul-ухшаш

ar-усма

ide-кичрайтириш

osis-тегишли

1. Клиник термин тузинг.

Бурунни, қулоқни қайта тиклаш операсияси;

Узоқдан туриб асбоб ёрдамида текшириш;

Юракнинг секин уриши, секин ҳаракат;

Бўғимни, суякни ялиғланиши;

2. Клиник терминларнинг маъносини очинг.

panarthritis;

tachycardia:

hemiplegia

1. Олд кушимчани маъносини аникланг

Osis – яллигланиш

E – кичрайтирувчи

Ol – тегишли

it is – сурункали яллигланиш

ide – ухшаш

1. Суффиксларни маъносини аникланг.

Extra - бирикиши

in – йук, сиз

sym - усти

hyper - ташки

endo - ички

1. Клиник термин тузинг.

Томирни, венани кенгайиши;

Қовоқни, терини тикилиши;

Йирингни қонда, тери таркибида болиши;

Суякни, кўз гавҳарини юмшаши;

2. Клиник терминларнинг маъносини очинг..

otitis

cholekinesia

lipodystrophy

3. Олд кушимчани маъносини аникланг

Extra - бирикиши

in – йук, сиз

sym - усти

hyper - ташқи

endo - ички

4. Суффиксларни маъносини аникланг

Osis – яллигланиш

E – кичрайтирувчи

Ol – тегишли

it is – сурункали яллигланиш

ide – ухшаш

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

4- мавзу. Доришунослик терминологияси хусусиятлари.

Режа:

4.1. Фармацевтик терминология. Доривор моддаларнинг тривиал номлари. Дори шакллари.

4.2. Фармацевтик термин структураси. Стандарт рецептурада формулировкалар.

4.3. Рецепт ёзиш қоидалари. Таблетка, шамчалар ва қўз плёнкаларини ёзища кумакчининг урни. Рецептурада асосий қисқартмалар.

Асосий таянч тушунчалар:

Фармакология, фармацевтик термин, тривиал, стандарт рецептура, кумакчи.

4.1. Фармацевтик терминология. Доривор моддаларнинг тривиал номлари. Дори шакллари.

Фармацевтик терминология лотин тилига асосланиб, тиббиёт терминологиясининг учинчи булими хисобланади. Фармацевтика сузини юонон тилидан таржима килганда доришунослик маъносини англатади. Дунёда биринчи дорихона эрамиздан аввалги 674-йилда Багдод шахрида очилган. Хаммамизга маълумки, Ипак йули номи билан машхур булган Шарк мамлакатлари ичida Багдод шахри уз даврида илм ахиллариiga ва хар тарафлама етук сиёсий арбоблари билан ном козонган эди. Багдод шахри йулларидан бутун дунё савдогарлари хар соҳада уз тижоратларини килишарди. Шунингдек, тиббиётга тегишли касалликка тегишли ва даъво буладиган дорилар хакида баҳс-мунозаралар шу шахарда уз ечимини топган.

Доривор моддаларнинг травиал номлари кадимдан маълум булиб келган, юонон суzlари асосида ясалган. Мисол учун: Mycoseptinum Myc замбуруг касаллигини билдирувчи термин хисобланади. Ampicillinum cillin шамаоллашга карши. Analginum alg оғрик колдирувчи маънони, Cordiaminum Cord юрак маъносини англатади. Демак тривиал номлар кадимги юонон суzlаридир.

Дори шакллари уч хил булади: каттик, юмшок ва суюк.

Aerosolum, i n

Granulum, i n

Gutta, ae f

Unguentum, i n

Linimentum, i

Pasta, ae f

Emplastrum, i n

Suppositorium, i n

Pulvis, eris m

Tabuletta, ae,f

Tabulettaobducta

Dragee (fr.)

Solutio, onis f

Suspensio, onis f

Emulsum, i n

Pilula, ae f hab

Tinctura, ae f

Infusum, i n

Decoctum, in

Sirupus, im shaibat

(inediciinalis)

Species, ei f

Species, erum f)

Capsula, ae f

C. gelatinosa C. amylacea seu oblata

Membranula ophthalmica seu

Lamella ophthalmica

Extractum, i n

4.2. Фармацевтик термин структураси. Стандарт рецептурада формулоривкалар.

Фармацевтик термин структураси нима, кандай? ниманинг? сурокларига жавоб булади.

Фармацевтик термин номларида дори шакли катта харфда ифодаланади.

Агар дори шакли препарат номи билан ифодаланса биринчи ўринда дори шаклининг номи, иккинчи ўринда эса қаратқич келишигига дори-дармоннинг номи ёзилади.

Масалан: Unguentum Streptocidi — Streptotsid суртмаси

Solutio Novocaini — Новокаин эритмаси

Tabulettae Analgini — Аналгин таблеткалари

Мураккаб дори-дармон номлари дори шаклининг номига илова тарзида бош келишикда қўштириноқ ичидаги берилади.

Масалан: Unguentum «Calendula» — «Kalendula» surtmasi

Tabulettae «Urosalum» — «Urosal» tabletkalari

Дори шаклини белгиловчи мослашган аниқловчи препарат номида **охирги** ўринда қоиланади ва дори шакли билан мослашади.

Масалан: Unguentum Hydrargyri cinereum - Симобнинг кулранг суртмаси

Extractum Belladonnae spissum - Белладоннанинг

қуюқ экстракти Қайнатма ва дамлама номларида хомашё номи дори шакли ҳамда ўсимлик номлари ўртасида қаратқич келишигига қоиланилади.

Масалан: *

Infusum radicis Valerianaе - Валериана илдизининг дамламаси.

Decoctum rhizomatis Tormentillae — ғозпанжа илдизпоясининг қайнатмаси.

**4.3. Рецепт ёзиш қоидалари. Таблетка, шамчалар ва кўз
плёнкаларини ёзишда кумакчининг урни. Рецептурада асосий
қисқартмалар.**

Фармакологияда рецепт ёзиш хуснихати мавжуд. Рецепт ёзиш учун хуснихат учун керак булган билим ва куникмаларга эга булиш керак. Дориларнинг номларини аник ват угри билиш керак. Уларнинг дозалари инсон ёшига караб белгиланади. Рецепт бланкаси 11 пунктдан иборат. Врачнинг лотин тилидаги иш фаолияти 6 пунктдан 11 пунктгача ва Recipe яъни Ол сузи билан доришуносга яъни фармакологга мурожаати билан бошланади.

Recipe: Solutionis Platiphyllini hydrochloridi 1% 10ml_____

Da. _____

Signa: _____

Recipe: Decoci corticis Quercus ex 20,0 200

ml_____

Da. _____

Signa: _____

Recipe: Extracti Alogs fluid 1ml_____

Da tales doses numero 10 in ampullis_____

Signa: _____

Recipe: Atropini sulfato 0,1_____

Aqua destillatae 10ml_____

Misce.

Da. _____

Signa: _____

Recipe: Tincturae amarae 30 ml _____

Da. _____

Signa: _____

Таблетка, шамчалар ва кўз плёнкаларини ёзишда кумакчининг урни.

Таблетка, шамчалар ва кўз плёнкаларини ёзишда кумакчи фармацевтикада айникса рецепт ёзишда муҳим касб этади.

Лотин тилида кумакчилар иккита келишик: аккузатив ва аблитивус ишлатилади.

1. Аккузативусда кулланиладиган кумакчилар:

| | |
|-------------------|------------------------|
| ad 20,0 | - 20,0 гача |
| ad usurn internum | - ичкарига куллаш учун |
| ad vitrum nigrum | - кора шишада |
| contra tissum | - йуталга карши |
| per os | - огиз оркали |
| per inhalationem | - ингалация оркали |
| post mortem | - улимдан сунг |

2. Аблитивусда кулланиладиган кумакчилар:

| | |
|-------------------|------------------|
| cum extracto | - экстракт билан |
| ex aqua | - сувдан |
| pro injectionibus | - инъекция учун |

Recipe: Infusi herbae Thermopsisidis 0,1- 100 ml.

Liquoris Ammonii anisati 1 ml.

Natrii benzoatis 0,6.

Sirupi Althaeae 20 ml.

Misceatur. Detur. Signetur.

Рецептурада асосий қисқартмалар.

| Кисқартма | Тулик ёзилиши |
|-------------------|---------------------------|
| aa | ana |
| ac, acid | acidum |
| ad us. ext. | ad usum externum |
| ad us. int. | ad usum internum |
| aq. | aqua |
| aq. dest. | aqua destillata |
| comp., cps., cpt. | compositus, a, um |
| concentr. | concentratus, a, um |
| cort. | cortex |
| D. | Da. Detur. Dentur. |
| dec., det. | decoctum |
| dil. | dilutus, a, um |
| D.t.d. | Da (Dentur) tales doses |
| Div. in p. aeq. | Divide in partes aequales |
| empl. | emplastrum |
| emuls. | emulsum |
| extr. | extractum |
| f. | fiat, fiant |
| fl. | flos |
| fluid. | fluidus, a, um |
| fol. | folium |
| fr. | fructus |
| gel. | gelatinosus, a, um |
| gran. | granulum |
| gtt., gtts. | guttam, guttas |
| h., hb. | herba |

| | |
|----------------|--------------------------|
| in ampull. | in ampullis |
| in caps. | in capsullis |
| inf. | infusum |
| in tab. | in tabulettis |
| in vitr. nigr. | in vitro nigro |
| linim. | linimentum |
| liq. | liquor |
| M. | Misce. Misceatur. |
| m. pil. | massa pilularum |
| mucil. | mucilago |
| N. | numero |
| obd. | obductus, a, um |
| past. | pasta |
| pct., praec. | praecipitatus, a, um |
| pro inject. | pro injectionibus |
| pulv. | pulvis |
| q.s. | quantum satis |
| r., rad. | radix |
| Rp.: | Recipe: |
| rectif. | rectificatus, a, um |
| rhiz. | rhizome |
| S. | Signa. Signetur. |
| sem. | semen |
| simpl. | simplex |
| sir. | sirupus |
| sol. | solutio |
| sp. | species |
| spir. | spiritus |
| Steril. | Sterilisa! Sterilisetur! |

| | |
|--------------|------------------------|
| supp. | suppositorium |
| supp. vagin. | suppositorium vaginalе |
| susp. | suspensio |
| tab. | tabuletta |
| t-ra, tinct. | tincture |
| ung. | unguentum |
| vitr. | vitrum |

5- мавзу. Феъл ва уни рецепт формулаларда қўллаш.

Режа:

5.1. Феъл ва унинг грамматик категорияси. Феълни рецепт формулаларда қўллаш. Феъл ва феълнинг майллари

5.2. Доришуносликда феълларнинг ишлатилиши

Асосий таянч сузлар:

Феъл, майл, шахс-сон-замон, феълнинг лугат шакли

5.1 Феъл ва унинг грамматик категорияси. Феълни рецепт формулаларда қўллаш. Феъл ва феълнинг майллари

Предметнинг ҳаракатини билдириб «нима қилди?, нима қиляпти?, нима килмоқчи?» сўроқларга жавоб берадиган сўз туркуми *фе* ъл деб аталади. Лотин тилида феъллар шахс, сон ва замонда ўзгаради. Феъл 3 та шахс, 2 та сон (бирлик ва кўплек), 6 та замон, 4 та майл, 4 та тусланишга эга:

Феълларинг тусланиши ўзакдаги сўнги унли билан бир-биридан ферқ қиласиди.

I тусланиш II тусланиш III тусланиш IV тусланиш

Рецептурада феъллар иккита майлда ишлатилади. Буйрук майлида ва шарт майлида. Агар дорини тез топиб истеъмол килмокчи булсак, буйрук майлидан фойдаланилади.

Буйрук майли

| | | |
|--------|---|--------------|
| Misce. | - | Аралаштири.. |
| Da | - | Бер |

| | | |
|-----------------|---|----------------------|
| Signa | - | Белгила |
| Sterilisa. | - | Стерилизация кил |
| Repete. | - | Такрорла. |
| Da tales doses. | - | Шундай дозаларда бер |
| Adde. | - | Күш |

Шарт майли

| | | |
|--------------------|---|----------------------------|
| Misceatur. | - | Аралаштирилсін. |
| Detur. | - | Берілсін. |
| Signetur. | - | Белгилансін. |
| Sterilisetur. | - | Стерилизация килинсін . |
| Repetatur. | - | Такрорлансін. |
| Dentur tales doses | - | Шундай дозаларда берілсін. |

5.2 Доришуносликда феълларнинг ишлатилиши

Феълнинг лугат шакли лотин тилида куйидагича булиб, феълнинг лугат шаклида ёзишиига ахамият бериш керак:

1. Феъл ҳозирги замон И шахсда -о қўшимчаси билан тўлиқ ёзилади.
2. Феъл ноаниқ шаклининг охирига 3 та ҳарфи ёзилади.
3. Феълнинг тусланиши рақам билан кўрсатилади.

1. *Pigritia est mater vitiorum.*

2. *Repetitio est mater studiorum.*

3. *Praemia cum poscit medicus satana est.*

Мисоллар:

Лугат шакли Тусланиш Инфинитив

do, dare I dare Re da

habeo, ere n habere Re habe

addo, ere III addere Ere add

diluo, ere m diluere Ere dilu

finio, ire IV finire Re fini

БҮЙРУҚ МАЙЛИ (Imperativ)

Рецептурада буйруқ майли бирликда ишлатилади. I, II, IV тусланишларда феининг буйруқ майли негизи билан мос тушади. III тусланишдаги феълнинг негизига унли «*e*» қўшилади.

Луғат шакли Негиз Буйруқ майли

(бирлик)

Таржима

signo,are 1 signa signa белгила

misceo,ere 2 misce misce аралаштири

recipio,ere 3 recip recipre ол

Рецептурада *fio*, феъли ўзбек тилига «хосил бўлмоқ» деб таржима қилинади. Унинг

шарт майли қуйидагича ҳосил боиади. «*fi*» негизига суф. «*a*» қўшилади ва 3 шахс бирликда *fiat* шаклига эга боиади, 3 шахс кўпликда *fiant* шаклига ега.

***fio , fieri* ФЕЪЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАНАДИГАН СТАНДАРТ**

РЕЦЕПТУРА ФОРМУЛИРОВКАЛАРИ

1. Misce, fiat pulvis.
2. Misce, fiat unguentum.
3. Misce, fiat linimentum.
4. Misce, fiat pasta.
5. Misce, fiat emulsum.
6. Misce, fiat suppositorium.
7. Misce, fiat suppositorium
vaginale.

Бирлик

Аралаштири, кукун ҳосил бўлсин.

Аралаштири, суртма (маз) ҳосил
бўлсин.

Аралаштири, линимент ҳосил бўлсин.

Аралаштири, паста ҳосил боисин.

Аралаштири, эмулсия ҳосил боисин.

Аралаштириш, шам ҳосил боисин..

Аралаштириш, вагинал шамча ҳосил
боисин.

Эслатма. - Аралаштириш феъли буйруқ майлида
бирликда берилган, шарт майлида қоиланмайди.

Феълламинг буйруқ ва шарт майларини ясаш ва уламинг
ретсептура шакларини билиш; феълламинг ўзагини топиш ва тусланишини
аниқлаш; буйруқ ва шарт майлиниг айрим шакларини таржима қилиш

I. Рецептларни узбек тилига таржима килинг ва феълларни
майлини аникланг:

Recipe: Tincturae Convallariae 15 ml.

Da.

Signa..

Recipe: Codeini 0,5

Sirupi Althaeae 10,0

Aqua destillatae 50,0

Da.

Signa..

Recipe: Solutionis Iodi spirituosa 2 ml.

Tannini 3,0

Glycerini 10 ml.

Misce.

Da.

Signa..

Recipe: Morphini hydrochloride 0,01.

Sacchari 0,1.

Misce, fiat pulvis.

Dentur tales doses numero 6

Signetur.

Recipe: Mentholi 0,1.
 Natrii hydrocarbonatis.
 Natrii tetraboratis.
 Natrii chloride ana 5,0.
 Misce, fiat pulvis.
 Detur.

Signetur.

III. Recipe: Thiamini chloridi.
 Riboflavini ana 0,003.
 Acidi nicotinici 0,02.
 Da tales doses numero 50 in dragee.
 Signa.

1. Recipe: Solutionis Collargoli 0,3 – 10 ml

Da in vitro nigro

Signa:

2. Recipe: Mucilaginis seminis Lini 200 ml

Da.

Signa.

3. Recipe: Trichomonacidi 0,75

Olei Vaselini ad 75 ml

Misce, fiat suspensionx

Sterilisa!

Da.

Signa.

4. Recipe: Emulsi olei Ricini 30ml – 300 ml

Da.

Signa.

5. Recipe: Emulsi seminis Lini 10,0 – 200 ml

Da.

Signa.

Recipe: 1. Infusi herbae Leonuri 15,0 – 200 ml

Da.

Signa

Recipe: 2. Decocti radicis Althaeae 20,0 – 100 ml

Da.

Signa.

Recipe: 3. Tincturae Convallariae

Tincturae Valerianae ana 10 ml

Tincturae Belladonnae 5 ml

Mentholi 0,2

Misce.

Da.

Signa.

Recipe: 4. Infusi foliorum Salviae 15,0 – 200 ml

Da.

Signa.

Recipe: 5. Extracti Aloes fluidi pro injectionibus 1 ml numero 10

Da.

Signa.

6- мавзу Кимёвий элементларнинг лотинча номлари.

Режа:

6.1. Кимёвий элементларнинг тизими. Кимёвий элементлар тизимини яратилиши. Энг муҳим кимёвий элементларнинг лотинча номларини билиш.

6.2. Лотин тилида кислота ва оксидларнинг номлари. Рецептурада кулланиладиган муҳим кискартмалар

Асосий таянч тушунчалар:

Кимёвий элементлар, тизим, кислота, оксид

6.1. Кимёвий элементларнинг тизими. Кимёвий элементлар тизимини яратилиши. Энг муҳим кимёвий элементларнинг лотинча номларини билиш.

Рус олими Д И Менделеев томонидан 1869-йил бутун дунёга машхур кимёвий элементларнинг тизими яратилди

Энг муҳим кимёвий элементларнинг лотинча номларини билиш; лотин тилида кислота ва оксидларнинг номларини ясаш рецептура учун жуда муҳим

Барча кимёвий элементламинг номлари ИИ турланиш средний роддаги отлар боиб, фақат иклдта: *Sulfür,uris,n* (III турланиш) — олтин гутурт ва *Phosphorus,i,m* - Фосфор кимёвий элементламинг номлари бундан истиснодир.

Эслатма! Кимёвий элементламинг белгиси лотинча номлардан олинган бўлиб, уламинг оифографик хусусиятини акс эттиради: Ca — Calcium, Fe - Ferrum, K - Kalium ва бошқалар.

Энг муҳим кимёвий элементларнинг лотинча номларини билиш врач учун зарур ва шарт. Шунинг учун химия фанидан элементларни яхши урганиш зарур.

Кимёвий элементларнинг лотинча номи

Aluminium i,n

Argentum i,n

Arsenicum i,n

Aurum i,n

Bromium i,n

Ba Barium i,n

Bi Bismuthum i,n

C Carboneum i,n

Ca Calcium i,n

Cl Chlorum i,n

Cu Cuprum i,n

F Fluorum i,n;

Phtorum i,n/lot/ ftor seu

Fe Ferrum i,n
H Hydrogenium i,n
Hg Hydrargyrum i,n
I Iodum i,n
K Kalium i,n
Li Lithium i,n
Mg Magnesium i,n
Magnium i,n
Mn Manganum i,n
N Nitrogenium i,n
Na Natrium i,n
O Oxygenium i,n
Pb Plumbum i,n
Ph Phosphorus i,m
S Sulfur, uris,n
Si Silicium i,n
Zn Zincum i,n

6.2. Лотин тилида кислота ва оксидларнинг номлари. Рецептурада кулланиладиган мухим кискартмалар

Кислоталарнинг лотинча номлари иккита сўздан иборат *acidum i, n* кислота ва мос келган сифат. Биринчи ўринда от, иккинчи ўринда сифат келади.

Сифат кислота номини ясовчи элемент негизига *-ic+um, -os+um* иккинчи ўринда сифат келади.

-icum қўшимчаси кислота таркибида кислород миқдори ортиклигини билдиради.

Masalan: Acidum sulfuricum – Сулфат кислота

-osum- қўшимчаси кислота таркибида кислород миқдори камлигини билдиради. ва ўзбек тилига **-it-** қўшимчасини олади.

Acidum sulfurosum – Сулфит кислота

Кислородсиз кислоталарнинг номларидаги сифатламинг таркиби қўйидагича ясалади: **hydro-** олд қўшимчаси + кислота номини ясовчи элемент номининг ўзаги + **icum** - олади.

Acidum hydrosulfuricum - sulfid kislota

Асосий кислота номлари

| | |
|--------------------------------|---------------------------|
| acidum aceticum | сирка кислота |
| acidum acetylsalicylicum | Ацетилсалицил кислота |
| acidum adenosintriphosphoricum | Аденозинтрифосфор кислота |
| acidum ascorbinicum | Аскорбин кислота |
| acidum benzoicum | Бензой кислота |
| acidum carbolicum | Карбол кислота |
| acidum carbonicum | Карбон кислота |
| acidum citricum | лимон кислота |
| acidum folicum | Фолий кислота |
| acidum glutaminicum | Глютамин кислота |
| acidum lacticum | сут кислота |

| | |
|---------------------|-----------------|
| acidum lipoicum | ёфкислота |
| acidum nicotinicum | Никотин кислота |
| acidum nitricum | Нитрат кислота |
| acidum phosphoricum | фосфат кислота |
| acidum salicylicum | Салицил кислота |
| acidum sulfuricum | Сулфат кислота |

II.

| | |
|--------------------|-----------------|
| acidumarsenicosum | Арсенат кислота |
| acidum~ nitrosum | Нитрит кислота |
| acidum~ sulfurosum | Сулфит кислота |

III.

| | |
|-------------------------|----------------|
| acidumhydrochloricum | Хлорид кислота |
| acidum~ hydrocyanicum | Цианид кислота |
| acidum~ hydrosulfuricum | Сулфид кислота |

Рецептурада күлланиладиган мухим кискартмалар

| Кискартма | Тулик ёзилиши | Маъноси |
|-------------------|---------------------|---------------------------------|
| aa | ana | тeng микдорда |
| ac, acid | acidum | кислота |
| ad us. ext. | ad usum externum | сиртдан қўллаш учун |
| ad us. int. | ad usum internum | ичдан қўллаш учун, ичиш учун |
| aq. | aqua | сув |
| aq. dest. | aqua destillata | дистилланган сув |
| comp., cps., cpt. | compositus, a, um | мураккаб |
| concentr. | concentratus, a, um | концентранган |
| cort. | cortex | пўстлоқ |
| D. | Da. Detur. Dentur. | Бер. Берилсин. |
| dec., det. | decoctum | қайнатма |

| | | |
|-----------------|---------------------------|----------------------|
| dil. | dilutus, a, um | суюлтирилган |
| D.t.d. | Da (Dentur) tales doses | Шундай дозаларда бер |
| Div. in p. aeq. | Divide in partes aequales | Тенг қисмларга бўл |
| empl. | emplastrum | пластир |
| emuls. | emulsum | емулсия |
| extr. | extractum | екстракт |
| f. | fiat, fiant | ҳосил бўлсин |
| fl. | flos | гул |
| fluid. | fluidus, a, um | суюқ |
| fol. | folium | барг |
| fr. | fructus | мева |
| gel. | gelatinosus, a, um | желатинли |
| gran. | granulum | гранула |
| gtt., gtts. | guttam, guttas | томчи, томчилар |
| h., hb. | herba | майса |
| in ampull. | in ampullis | ампулаларда |
| in caps. | in capsullis | капсулаларда |
| inf. | infusum | дамлама |
| in tab. | in tabulettis | таблеткаларда |
| in vitr. nigr. | in vitro nigro | қора шишада |
| linim. | linimentum | линимент |
| liq. | liquor | суюқлик |
| M. | Misce. Misceatur. | аралаштирилсан. |
| m. pil. | massa pilularum | ҳаб дорили масса |
| mucil. | mucilago | шиллиқ |
| N. | numero | сони (дона) |
| obd. | obductus, a, um | қобиқли |
| past. | pasta | паста |

| | | |
|--------------|--------------------------|--|
| pct., praec. | praecipitatus, a, um | чўқтирилган |
| pro inject. | pro injectionibus | инъексия учун |
| pulv. | pulvis | кукун |
| q.s. | quantum satis | кераклича |
| r., rad. | radix | илдиз |
| Rp.: | Recipe: | Ол: |
| rectif. | rectificatus, a, um | тозаланган |
| rhiz. | rhizome | илдизпоя |
| S. | Signa. Signetur. | Белгила. Белгилансин. |
| sem. | semen | уроф |
| simpl. | simplex | оддий |
| sir. | sirupus | шарбат |
| sol. | solutio | еритма |
| sp. | species | йиғма |
| spir. | spiritus | спирт |
| Steril. | Sterilisa! Sterilisetur! | Стерилизация қил! Стерилизация қилинсин! |
| supp. | suppositorium | шам |
| supp. vagin. | suppositorium vaginale | қинга оид шам |
| susp. | suspensio | суспензия |
| tab. | tabuletta | таблетка |
| t-ra, tinct. | tincture | тиндирма |
| ung. | unguentum | суртма |
| vitr. | vitrum | шиша |

Оксидлар

Оксидларнинг номлари иккита сўздан иборат: биринчи ўринда элементнинг номи қаратқич келишигида, иккинчи ўринда оксид номи келади.

Oxy- кислород борлигини кўрсатади, олд қўшимчалари эса бирикма таркибини аниқлайди:

oxydum i,n

peroxydum i,n пероксид

hydroxydum i,n гидроксида

Оксид номларига мисоллар:

Zinci oxydum рух оксида

Hydrogenii peroxydum водород пероксида

Aluminii hydroxydum алюмин гидроксида

7- мавзу Лотин тили гаплари таржимасининг тузилиши ва тартиби.

Режа:

1. Лотин тилини ўқитиш жараёнида анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни ўзбек тилига таржима қилиш.

2. Тиббиёт соҳасида қўлланилаётган матнларнинг келиб чиқиш тарихи.

Лотин тили ва антик маданият – Европа цивилизацияси.

Асосий таянч тушунчалар:

Лотин, анатомия, клиника, фармацевтика, тиббиёт, маданият, цивилизация

1. Лотин тилини ўқитиш жараёнида анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни ўзбек тилига таржима қилиш.

Лотин тилини ўқитиш жараёнида анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни ўзбек тилига таржима қилиш муҳим ахамиятга эга. Фаннинг вазифалари сифатида лотин тиббиёт сузларини таржима килиш аниқни талаб этади. Шунингдек, назарий билимлар бўйича анатомик терминологияда от, ургу қўйиш, отларнинг лугат формаси, сифат, мослашган ва мослашмаган аниқловчи, бирлик ва қўплик формаси, отларнинг турланиши, келишик, сон; клиник терминологияда лотин тилидаги тана аъзоларининг юонон тилидаги вариантини ёдлаш, суффиксация, префиксация, негиз топиш, тўғри ташхис қўйиш ва қонунга бўйсунмаган ташхис қўйиш усуслари; фармакологияда рецептни грамматик жиҳатдан хатосиз ёзиш, феъл, шарт ва буйруқ майли,

доривор ўсимликлар, дорилар, кислоталар, тузлар, оксидлар ва афоризмлар тўғрисида мушоҳада юритиш усуллари билан қуроллантириш, фаннинг долзарб муаммоларини очиб бориш, ҳамда лотин тилининг тиббиётдаги ўрни ва роли ҳақида амалий қўникмалар ҳосил қилиш ва тиббиёт терминларни узбек ва рус тилларига маъноли таржима қилиш талаб этилади.

Ўқув дастурларида “Лотин тили ва тиббий терминология асослари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар анатомик билим асослари, клиник ташхис қўйишни тўғри ўрганиши ва рецептни тўғри ёзиш тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиши; анатомик, клиник ва фармацевтик бўлимлар бўйича морфологик, синтактик усулларни билиши ва уларни амалиётда қўллаш; анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни амалий машғулотда таҳлил қилиш усулларни қўллаши, хулоса чиқариши, муаммоли вазиятни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплами ва улардан фойдаланиши, илмий тушунчаларни тушунтира олиши, муаммоли вазиятлар бўйича ечимларни қабул қилиш қўникмаларига эга бўлиши кераклиги белгилаб берилган.

Амалий машғулотлар жараёнида қўйидаги масалалар ўрганилади: тиббий терминологияга кириш; лотин алифбоси; унли ва ундош харфлар; тана тузилишига тегишли терминлар; ургу қўйиш қонуниятлари; тана тузилиши ва бош кисмга тегишли анатомик терминлар; отлар: грамматик категориялари ва лугат формаси; отнинг турланиши; юз, жағга тегишли сұяклар; сифат: грамматик категорияси ва лугат формаси; от билан мослашуви; оғиз бўшлиғига оид анатомик терминлар; мураккаб анатомик терминларнинг турланиши; нафас олиш тизимиға оид терминлар; отларнинг келишик қўшимчалари; нафас олиш тизими; сифат даражалари: қиёсий даража (юрак тизими оид); орттирма даража (қон айланиш тизимиға оид); анатомик терминларни бирлик формасида ишлатилиши; отларнинг турланиши; бош келишик кўплик формаси (сийдик чиқариш тизими); қаратқич келишик кўплик формаси (сұяклар); бош ва қаратқич келишик кўплик формада анатомик терминларда ишлатилиши (эшитиш тизими); сон: тартиб ва саноқ

сонлар; сўз ясалиши; морфема; суффиксация (тана тузилиши ва калла суяги (энсага оид, чаккага оид, пешонага оид); префиксация; клиник терминология; тана тузилиши ва юз-жағға оид клиник терминлар; аъзо ва бош қисмларни ифодаловчи дублетлар ва уларнинг патологиясининг номлари (бош, танглай, тиш); нафас олиш ва юқори қисмга тегишли клиник терминларни тузиш; клиник терминлар (милк ва милкни тузувчи органлар); тўқималар, секретлар, ёшни билдиргувчи ТЕ ва оғиз бўшлиғи тубини ифодаловчи клиник атамалар; сўлак безларини, чайновчи мусқулларни ва фаолиятини билдирувчи клиник терминлар; фармакологияга кириш; дори формалари (нафас олиш тизимиға тегишли); рецепт структураси ва формаси (юрак тизимиға оид); рецептурада таблетка, шам ва кўз плёнкасини ишлатилиши (ёзилиши); рецептурада кимёвий элементлар; кислоталар; рецептурада оксидлар (сийдик чиқарув тизимиға тегишли); рецептурада тузлар; катионлар ва анионлар; рецептурада кисқартмалар.

Анатомик терминларни қўйидагича ўзбек тилига таржима килинади
НИМА ? ҚАНДАЙ ? НИМАНИНГ ? ҚАНДАЙНИНГ ?

Клиник терминларни қўйидагича ўзбек тилига таржима килинади
НИМА ? НИМА ?

Фармацевтик терминларни қўйидагича ўзбек тилига таржима килинади
НИМА ? НИМАНИНГ ? ҚАНДАЙ ?

2. Тиббиёт соҳасида қўлланилаётган матнларнинг келиб чиқиши тарихи. Лотин тили ва антик маданият – Европа цивилизацияси.

Лотин тилини ўқитишининг мақсади ўзида лугат ёрдамида лотин тилидаги матнларни ўқиши учун зарур грамматика ва лексикани ўзлаштиришни акс эттиради. Мазкур мақсаднинг аҳамияти шундаки, лотин тили ва грамматикасини ўрганиш орқали бошқа компонентларни рўёбга чиқариш мумкин. Шу сабабли лотин тили грамматикасини ўрганиш ва антик давр муаллифларининг асарларини ўқишига йўналтириш амалий фаолият тажрибаси билан уйғунлаштирилганда ўзининг самарасини беради. Чунки лексика ва грамматика амалиётсиз жуда тез унутилади.

Лотин тилини ўқитиши бошқа тилларни ўрганиш сингари ўзида мантиқий тафаккур юритиш, тасаввур ва онг бирлиги, фикрий жараёнларни жадаллаштириш каби мақсадларни акс эттиради. Лотин тилини ўқитиши жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларида тиббий терминологияни ўзлаштириш, исталган дори воситасининг қўлланилиш соҳаси ҳақида хулоса чиқариш имконияти юзага чиқади.

Лотин тилини ўқитиши жараёнида антик маданият дурдоналари билан танишиш, маданият соҳасида қўлланилаётган атамаларнинг келиб чиқиш тарихини ўзлаштириш, замонавий маданиятнинг туб илдизларини англаш орқали талабаларда умуммаданий компетентликни ривожлантиришга эришилади. Лотин тили ва антик маданият – Европа цивилизациясининг асосини ташкил этиб, мазкур тилни ўрганиш асосида Қадимги Юноnistон ва Римдаги тамаддуннинг дин, санъат ва адабиётга таъсирини англаш, замонавий адабиётда антик мифологиянинг акс этишини идрок этиш имконияти юзага келади.

Лотин тилини ўқитишининг тарбиявий мақсади антик даврга тааллуқли материаллар мазмунининг ахлоқийлик билан уйғунлиги орқали аниқлаштирилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитишининг қиска курси грамматик қоидаларни чуқур ўзлаштириш имконини бермайди, бироқ маданий тавсифдаги тиббиётга доир материалларни ўрганиш орқали талабаларда лингвомаданий компетентликни таркиб топтириш мумкин.

Лотин тилидаги матнлар билан ишлаш жараёнида талабалар интеллектуал-маданий тараққиётга доир институт, факультет, ректор, декан, профессор, доктор, доцент, ассистент, аспирант, лаборант, препаратор, талаба, диссертант, аудитория, коммуникация, кредит, дискредитация, декрет, кредо, курс, мураббий, бошқариш, қораловчи, оддий аскар (курсант), йўналишлаштириш, рақобатчи, танлов, саёҳат, саёҳатчи, градус, градация, деградация, қўшимчалар (ингридиент), агрессия, конгресс, тараққиёт, регресс, юрист, юрист маслаҳатчи, маслаҳат, интеллект, интеллигент, ҳамкасб, ҳайъат,

коллекция, илтимоснома (петиция), иштаха, лаёқат, дастлабки тайёргарлик, репетитор, консерватор, консерватория, консервалаш, расадхона, захира, захиралаштириш, резервуар, валентлик, валериана, валюта, девальвация, ногирон, етакчилик, эквивалент, хайкал, ёдгорлик, орнамент, услуг, тасвиirlаш каби қатор атамаларни ўзлаштирадилар ва уларнинг моҳиятини англайдилар.

Лотин тилидаги матнлар билан ишлаш жараёнида талабалар мамлакатшунослик ва маданиятшуносликка доир маълумотларни таҳлил этиш ва тақослаш асосида касбий компетентликка эга бўлишади. Матнлар билан ишлаш жараёни қуидаги алгоритмик кетма-кетлик асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ:

I. Лотин тилини ўрганишнинг барча босқичлари мазмунига лингвомаданиятшуносликка доир ахборотларни сингдириш. Мазкур босқич қуидаги даражаларни ўзида акс эттириши лозим.

I даража – лексик. Сўзлар, уларнинг маъносини ўзлаштириш орқали фикрлаш жараёни ривожлантирилади. Масалан, “ҳайвон” – pecus сўзидан “пуллар” – pecunia сўзи келиб чиқиши товар-пул муносабатларининг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги хулоса чиқариш имконини беради.

II даража – атамашунослик. Cnełtyns – ўқиши жараёнида антик ҳаётнинг турли соҳаларини акс эттирувчи атамалар, ижтимоий-сиёсий табиатга эга атамалар (масалан: civitas, respublica, imperator, consul, princeps, patronus, cliens, triumphus ва x.к.), юридик атамалар (jus, legislatio, advocatus, causa, judicium ва x.к.), диний (deus, augur, auspicia, templum, ara, pontifex, vestalis ва x.к.) санъатшунослик (ars, pictor, columna, porticus, arcus, statua, simulacrum ва бошқ.), адабий (poema, versus, stylus ва x.к.), майший (toga, tunica, schola, familia, matrona, matrimoniumи ва x.к.), табиий-илмий (cella, solutio, nucleum, ferrum, reactio, turbulentus, calculatio, factus, effectus, quantus ва x.к.) соҳага доир атамалар билан танишадилар.

III даража – ҳикматли сўзлар билан танишиш ва таҳлил этиш. Ҳикматли сўзлар маълум бир тарихий воқелик билан боғлиқ бўлиб, уларни изоҳлаш

жараёнида талаба маданий ҳаётга мурожаат қиласи, масалан, *tabularasa* (“тоза доска”) ифодаси стилос ёрдамида мумланган тахтачаларга ёзиш усули тўғрисидаги ҳикояни кўзда тутади; *dusexmachina* (“машинадаги илоҳ”) – юонон театри, унинг тузилиши ва драматургик тамойили тўғрисида; *divideetimpera* (“тақсимла ва ҳукмронлик қил”) – Римнинг унга боғлиқ бўлган давлатга нисбатан империя сиёсати тўғрисида; *veni, vidi, vici* (“келдим, кўрдим, ғолиб бўлдим”) – Цезарнинг потин шохи Фарнак билан курашидаги машхур эпизод тўғрисида; *sciomenihilscire* (“ҳеч нарсани билмаслигимни биламан”); Суқрот фалсафасининг асослари тўғрисида ва ҳ.к.

Мазкур даражаларга асосланган ҳолда талabalарни матн билан ишлаш жараёнини қуидаги тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ: матншуносликка доир материалларни танлаш; мавзуларни туркумлаштириш; матнда учрайдиган воқеликларни таҳлил этиш; талabalар томонидан аввал таниш бўлмаган, янги воқеликларни мустақил изоҳланиши; ҳикматли сўзлар (афоризм) ёд олиш; матннинг асл нусхасини ўқиш ва таржима қилиш; антик ва миллий маданиятни маданий ҳамда лингвистик нуқтаи назардан қиёсий таҳлил этиш.

Лотин тили ва антик маданиятни тиббиёт олий таълим муассасаси талabalariга ургатиш учун, уларда интеллектуал-маданий ривожланишни шакллантириш учун аудиториядан ташқари машғулотлар муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлар жараёнида аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида айниқса, интеллектуал ўйин, ўкув лойиҳаси ва мустақил ишлар юқори самарадорликка эга эканлиги ҳақидаги холосага келинди.

1. Интеллектуал ўйинлар. Тиббиёт олий таълим муассасаси талabalарини маданий ва когнитив-ижодий ривожланитириш жараёнида интеллектуал ўйинлар катта имкониятларга эга. Улар ўқитиши методларини танлашга кўйиладиган замонавий талабларга, жумладан, талabalарнинг ўкув-билиш фаолиятини жадаллаштириш учун хизмат қиласи. Ўқитиши жараёнида таълим олувчиларнинг фикрлаш ва амалий фаолияти ўрганилаётган материални ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Интеллектуал ўйин – аниқ белгиланган вақт ва рақобатлашув шароитида самарали фикрлашни татбиқ этишни талаб этувчи топшириқларни якка ва жамоавий тартибда бажаришга йўналтирилган ўқитиш методи. Интеллектуал ўйинлар талабаларда ўрганилаётган воқеликка доир тушунчаларни таркиб топтириш, асосий фикрлаш операциялари (таснифлаш, таҳлил этиш, умумлаштириш) ни бажаришни талаб этган ҳолда назарий фикрлашни ривожлантиради.

Интеллектуал ўйинларни ўтказишда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш талаб этилади: талабанинг ўқув-билиш имконияти ва маълум даражадаги муракқабликни мослаштириш – топшириқларни босқичма-босқич қийинлаштириб бориш; ўйин мазмунига талабаларнинг аналитик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирувчи қиёслаш, таққослаш, умумлаштириш операцияларини сингдириш; эгалланган билимларни янги вазиятларда қўллай олиш имкониятини ҳосил қилиш; топшириқларни талабаларнинг қизиқишилари ва шахсий тажрибалари билан боғлиқлигини таъминлаш.

8- мавзу Сўз ва концепт тушунчаси

Режа:

1. Лотин тилидаги сўзларнинг шакли. Тил шакллари, ўзлаштирма, архаик сўзлар ва неологизмлар.

2. Концептнинг икки томонлама хусусияти.

Асосий таянч тушунчалар:

Архаик, неологизм, монолог, диалог, Кадимги Рим, концепт

1. Лотин тилидаги сўзларнинг шакли. Тил шакллари, ўзлаштирма, архаик сўзлар ва неологизмлар.

Лотин тилидаги сўзларнинг шакли ва маъносини таҳлил этиш асосида талабаларда фикрий жараёнларни бойитиш, инсоният тарихи билан алоқадор воқеликлар асосида тарихий хотирани шакллантиришга эришилади. Шунингдек, синхрон режимда сўзларнинг тузилишини ўрганиш талабаларнинг аналитик тафаккурини ривожлантириб, тил шакллари,

ўзлаштирма, архаик сўзлар ва неологизмларни чукур ва аниқ идрок этиш қобилиятини ривожлантиради.

Сўзларнинг ясалишини ўрганишнинг муҳим жиҳати ўзлаштирма сўзларни таҳлил этишда ўз ифодасини топади. Мазкур ўринда лотин тилидаги материаллар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки лотин тилидаги матнларни таҳлил этиш талабаларнинг интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш билан бирга хотирада замонавий тиллардаги сўзлар семантикасидаги лексик элементларни мустаҳкамлаш имконини беради. Ўрганилаётган сўзнинг мазмунини ўзлаштириш уни аввалдан маълум лексик элементлар билан таққослаш кўникмамасини ҳосил қиласди. Роман тилларидағи кўпчилик сўзларни тушуниш лотин тилидаги сўз ва сўз ясалишига доир билимларга эга бўлиш билан боғлиқдир.

Талабалар томонидан сўз шакли ва маъносини мустақил баҳолаш қатор грамматик қонуниятларни англаб етишни талаб этади. Шу билан бирга талабалар лотин тили лексикасини кўпчилик сўзларнинг маъносини тушунмаганлиги ҳисобидан қийин ўзлаштиришади. Тадқиқот натижалари айrim талабалар акведук, акварель, конкордат, террариум, виадук каби сўзларнинг маъносини умуман билмаслигини, баъзилари эса кўпчиликка яхши маълум бўлган аквариум, аэронафт, декламация, дебитор, меморандум, валентлик, фабула, партер каби сўзларга доир аниқ тасаввурларга эга эмаслигини кўрсатди. Сўз бойлиги албатта талабанинг индивиудал, умумий тайёргарлик даражаси билан бирга, тилларни ўқитиш сифати ва даражасига ҳам бевосита боғлиқдир.

Лотин тили қадимий тил сифатида антик давлатлар, фан ва маданиятнинг бой меросини ўзида акс эттириб, талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришга доир муҳим жиҳатларга эга:

- мумтоз грамматик шаклларни ўзлаштириш фикрни тўғри йўналтириш ва фикрлашни ривожлантиради;
- тилни ўзлаштиришнинг қийинлиги ва мураккаблиги талабаларни фаол мустақил изланишга даъват этади;

- лотин тилининг қадимий асосларга эгалиги, Еврова маданияти учун таянч аҳамият касб этиши талабаларнинг ахборотларни излаб топиши, масаланинг туб моҳиятини тушуниб этиши, тўғри қарорлар қабул қилиш жараёнини рағбатлайди;

- Қадимги Юнонистон ва Римдаги ахлоқий, сиёсий, эстетик қадриятлар билан танишиш талабаларда ҳаётга, касбга аксиологик муносабатни қарор топтириб, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қиласди;

- сўзларнинг шакли ва маъносини таҳлил этиш талабаларда фикрий жараёнларни чуқурлаштиришга ёрдам беради;

- ўзлашма сўзларни ўрганиш, бошқа тиллар билан таққослаш, аналитик фикрлашни ривожлантиради;

- архаизм ва ўзлашма сўзларни таҳлил этиш лотин тили грамматикаси қонуниятларини бошқа тилларга таъсирини англаб этиш имконини беради.

Лотин тилини ўрганиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг муҳим компоненти сифатида нутқнинг хилма-хил турлари ва шаклларининг ўзлаштирилишини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Жумладан, матнни чуқур қайта ишлаш орқали ташқи (оғзаки) нутқ ёрдамида материални қулай идрок этиш; ёзма нутқ учун ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг мнемоник тавсифини ўзлаштириш вазифаси ҳал этилади. Диалогик нутқда сухбатдошнинг фикрларига тушуниш ва унги мос жавоб қайтариш кўникмасини эгаллаш зарур. Монолог нутқий фаолиятнинг муракқаб тури сифатида масаланинг моҳиятини чуқур ўйлаб кўриш ва нутқни тайёрлаш малакасини ривожлантиришни талаб этади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитиша талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришининг параметрлари:

- тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитиладиган лотин тили фани мазмунини интеллектуал-маданий тавсифдаги маълумотлари;
- миллий-маданий моҳиятни ёрқин акс эттирувчи ўқув бирликлари;
- лотин тили ўқув материаллари бўйича соатлар ҳажми;
- тиббий терминларнинг фонетик, грамматик ва лексик ҳажми;

- маданиятшуносликка доир мавзулар, концепт ва воқеликлар тизими.

Талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг когнитив, фаолиятга доир ва амалий мезонлари асосида индикаторлари қуидагича аниқланди:

- лотин тилидаги терминларни билиш;
- лотин тили терминларини фонетик, грамматик ва лексик жиҳатдан тушуниш;
- матнлар билан ишлаш жараёнида лотин тилидаги тиббий терминларни қўллай олиш.

Юқорида қайд этилган мезонлар асосида таклиф этилаётган индикаторлар тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларини интеллектуал-маданий ривожлантиришда ўз аҳамиятига эга.

2. Концептнинг икки томонлама хусусияти.

Рус тилшунослигида *концепт* тушунчаси XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С.Асколдов томонидан илмий муомалага киритилади. С.Асколдовнинг қарашича, концептлар воситасида турли миллат вакиллари мулоқотга киришади, шунга кўра, концептларни яратиш ва идрок қилиш икки томонлама коммуникатив жараён ҳисобланади. Лисоний маконда мавжуд бўлган бундай тизим дунё миллий манзарасининг ўзига хослигини белгилайди³. XX асрнинг биринчи чорагида концепт ҳақида мулоҳазаларга танқидий ёндашилади. Фақат XX асрнинг 80-йилларга келиб, бу терминга эҳтиёж қайта пайдо бўлади. Ю.С.Степанов ўзининг тадқиқотларида ментал шаклланишнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилиб, *концепт* сўзининг этимологиясига мурожаат қиласи. *Концепт* лотин тилидаги *conceptus* – “тушунча” сўзининг калкасиdir. Концепт икки томонли хусусиятга эгадир. Бир томондан, маданият концепт кўринишида инсоннинг ментал дунёсига кирса, бошқа томондан, инсон концепт ёрдамида маданиятга киради ва баъзан унга таъсир кўрсатади. Инсон ўзининг индивидуал, бетакрор маданиятини

³ Аскольдов, С. А. Концепт и слово [Текст] / С. А. Аскольдов // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М. : Academia, 1997. – С. 267–280.

сақлаган ҳолда, концепт орқали халқларнинг маданиятига, турли миллат вакилларининг ментал дунёсига мурожаат қиласи⁴.

Концептнинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, шунингдек, адабиётшунослик фанларидағи изохи ўзаро фарқланади⁵. Ушбу термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларига қадар *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса⁶, бугунги кунга келиб унинг изохи *тушунча* терминига нисбатан кенгайганини кўриш мумкин. Бинобарин, Н.Ю.Шведова концептни тушунча эканлигини, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда англанувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини таъкидлаган⁷.

Професор Н. Маҳмудов лингвокультурологияда концептнинг ўрганилиши хусусида шундай ёзади: “Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишлиланган”⁸.

Демак, концепт лингвокультурологияда энг фаол қўлланувчи бирлик саналади. Концепт лингвомаданий бирлик сифатида у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди. Масалан, уй концепти ўзбек кишиларининг тафаккурида қўйидагича ассоциацияланади:

⁴ Степанов, Ю. С. Константы: Словарь русской культуры [Текст] / Ю. С. Степанов. – М. : Академиче-ский проект, 2004.

⁵ Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и в научном языке // Вопросы филологии. –Москва, 2001. -№ 1. –С. 35-47.

⁶ Демьянков В.З. Кўрсатилга мақола.

⁷ Шведова Н.Ю. Избранные работы. –М., 2005. –С.603.

⁸ Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқики йўлларини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. -№ 5. –Б. 9.

- а) яшаш жойи – бино – кўп қаватли уй – ҳовли – хонадон – оила;
- б) катта, кичик, чиройли, шинам, ёруғ, янги, эски;
- в) меҳрибонлик уйи, дам олиш уйи, маданият уйи.

Кўчма маъноли бирликларни юзага чиқаради: *уй ичи* “оила аъзолари”, *уйи бузилмоқ* “эр-хотиннинг ажралиши”, *уйи қуимоқ* “хонавайрон бўлмоқ”.

Лингвомаданий концепт этномаданий хусусиятга эга бўлган ва борлиқ ҳақидаги функционал аҳамиятга молик инфомацияни узатадиган маданиятнинг асосий бирлигидир. У маданий универсалияларни ифодалайди. Лингвомаданий концепт тафаккурда мавжуд бўлади, у ўзида когнитив-рационал ва эмоционал-психологик мазмунни бириктиради. Лингвомаданий концепт барча тил эгалари учун дунёқарашиб модели вазифасини ўтайди. Лингвомаданий концепт миллий ҳарактернинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи маданият воситаси ҳисобланади.

Лингвокультурологияда маданият концептлари алоҳида тадқиқ этилади. Маданиятнинг асосий концептлари жамоавий тил онгига муҳим аҳамият касб этади. Маданиятнинг асосий концептлари деганда мавҳум отлар, хусусан, виждан, тақдир, қисмат, ирода, гуноҳ, қонун, эркинлик, зиёлилар, ватан ва ҳ.к. тушунилади. Маданият концептларини А.Я.Гуревич икки гурухга: “фазовий”, фалсафий категориялар, яъни маданиятнинг универсал категориялари (вақт, макон, сабаб, ўзгариш, ҳаракат) ҳамда ижтимоий категориялар, яъни маданият категориялари (эркинлик, ҳукуқ, ҳақиқат, меҳнат, бойлик, мулк)га ажратади.

В.А.Маслова бунга яна бир гурухни – миллий маданият категориясини ҳам илова қиласиди⁹. Концептларни таҳлил қилиш жараёнида ҳар қандай тилда маданий ўзига хос концептларнинг кўплиги аниқланган. Масалан, *картошка* концепти маданий ўзига хос концептлардан бири ҳисобланади. Картошка руслар учун ночор овқатланиш эталони, буни “сидет на одной картошке” фразеологизми мисолида ҳам кўриш мумкин; белоруслар учун одатий миллий таом, иккинчи нон, муҳим озука ҳисобланади. Ёки *нон* концептини олсак,

⁹ Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб, заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.51.

ўзбеклар учун нон муҳим озуқа эталони ҳисобланса, корейс, япон, хитой халқлари учун муҳим озуқа ҳисобланмайди. Улар учун *гуруч* асосий озуқа эталони саналади.

Концепт – бу тилда ўз номига эга бўлган ва инсоннинг воқелик тўғрисидаги маданий-миллий тасаввурини акс эттирувчи ментал моҳиятдир. Концептлар турли тилларда мос келмайди, зеро турли халқларда борлиқ тўғрисидаги миллий-маданий тасаввур турфа хилдир. Янада муҳим концептлар (маданият тоифалари)га қуидагиларни киритиш мумкин: макон, вақт, сана, ҳақиқат ва адолат, дўстлик, душманлик, севги, нафрат, хурсандчилик, қайfu.

Тили ўрганилаётган мамлакатнинг воқеликлари лингвомамлакатшуносликнинг асосий обьектларидан бири ҳисобланади. Воқеликлар – бу тили ўрганилаётган мамлакатнинг ҳаёти, маданияти, тарихи, қаҳрамонлари, анъана, урф-одатларига тааллукли реал далиллардир. “Воқелик” сўзининг ўзи отнинг лотинча сифати, рус тилида ўхшаш лексика тоифаси таъсири остида отга айланувчи қўплик ҳисобланади. Филология фанларида воқеликнинг икки ёқлама таърифи мавжуд: воқелик – халқнинг, мамлакатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маданият назариясига хос бўлган фан, тушунча, ҳодиса бошқа халқларда учрамайди; воқелик – фан, ҳодиса, шунингдек сўз бирикмасини англатувчи сўз (одатда фразеологизм, мақол, матал, шундай сўзларни ўз ичига олевучи тушунчалар).

Воқеликларда тил ва маданият ўртасидаги яқинлик янада яққол намоён бўлади: янги воқеликларни жамиятнинг моддий ва ахлоқий ҳаётида тилда воқеликлар юзага келишига олиб келади, чунки янги воқеликларнинг пайдо бўлиш вақтини аниқроқ белгилаш мумкин.

Таржимашунослик ва лингвомамлакатшуносликда воқелик алоҳида бирликни намоён этади. Бир томондан воқелик мамлакатнинг давлат, иқтисодий, географик ва маданий турмуш тарзини акс эттиради. Лекин бошқа томондан воқелик – бу бир халқнинг турмуш тарзига хос ва бошқасига умуман бегона бўлган обьектларни номловчи сўздир, бу уларнинг таржимасини


қийинлаштиради ва таржимон кенг таърифларга мурожаат қилиши ёки ўзининг янги сўз ёки иборасини таклиф этишига тўғри келади.

Тилшунослик фанларида воқеликлар таснифи мавжуд. Етакчи тилшунослар таснифларнинг бир неча турини ажратадилар: воқеликлар – асл номи; маҳаллий тарихий колоритга боғлиқ ҳолда; умуммиллий воқеликлар.

Концепт ва воқелик умумий ва хусусий ҳамда инвариант ва вариантли тарзда қиёсланади: **концепт** – бу глобал маъновий бирлик, кўп маъноли сўздир; **воқелик** – бу ҳодиса, ифодадир.


“Лотин тили ва тиббий терминология асослари” фанининг хусусиятлари, унинг атамашунослик мазмуни ва маданий-мазмунли ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда дарсларда лингвомамлакатшунослик материалини узатишнинг тизим ҳосил қилувчи компонентлари сифатида концепт ва воқеликни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашувда концепт материалнинг йирик бирлиги (мавзу, кенг тушунча), воқелик эса – унинг янада хусусий ва алоҳида намоён бўлиши (муайян тушунча, сўз) сифатида кўриб чиқилади. Ушбу ёндашув ўқитишида кетма-кетлик ва босқичлилик педагогик тамойилларига мос келади ҳамда ўқитувчига ўқув материали, унинг ҳажми, дарснинг вазифалари ва талабаларнинг имкониятларига боғлиқ ҳолда мураккаблик даражасини эркин тарзда тизимлаштириш ва ўзгартириш имконини беради

Қадимги Юнонистонда тиббиёт концепти



1-вариант

Қадимги Римда тиббиёт концепти



2.1.1-расм. Концепт ва воқеликлар нисбати

Лотин тилининг катта маданий, тарихий, лингвистик ва ривожлантирувчи салоҳиятга эгалиги тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини маданий-интеллектуал ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Тиббиёт ходими касбининг инсонпарварлик ва этик

моҳияти бўлажак мутахассисларда юксак билимга эга бўлиш билан бирга, уларни интеллектуал ва маданий жиҳатдан ривожланишларига ёрдам бериш; таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро алоқаларнинг фаол йўлга кўйилиши роман-герман гурӯхга кирувчи тилларни ўрганишга эътиборни кучайиши; тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитилаётган лотин тилининг маданий-интеллектуал ривожлантириш салоҳиятини кўрсатиб беришга имкон берувчи амалий-технологик жиҳатларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс-стади инглизча сасе – аниқ вазият, стади – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради. Ушбу метод дастлаб 1920 йилда Гарвард бизнес мактабида қўлланилган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес йўналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарслекларнинг мавжуд эмаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш ҳамда мана шу менежерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батафсил хисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларга у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият, ушбу вазиятни таҳлил этиш ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунўзара ташкил этиш асосида унинг ечими топиш тарзида тақдим этилар эди. Кейинчалик кейс методи бизнес йўналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилган. Ҳозирги кунда эса, касбий компетентликни ривожлантириш нуқтаи назаридан мазкур метод тарафдорлари кўпайиб бормоқда. XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб бизнес-кейслар Фарбий Европа мамлакатларида оммалашди. Европанинг етакчи бизнес мактаблари ИНСЕАД, ЛБС, ҲЕС, ЛСЕ, эСАДЕ ва бошқалар кейс-стади методи асосида дарс берибина қолмай, кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошлайдилар. 2000 йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб чет эл олий ўқув юртларида табиий ўқув модуллар ва техник ўқув модулларни ўқитишда кейс-стади технологиясидан фойдаланиш тенденцияси

кузатилиб, Ҳозирги кунда кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълимнинг етакчи

усулларидан бўлиб қолди., энг умумий тарзда кейс-стади технологиясининг моҳияти қуидагича изоҳланиши мумкин: ушбу технология воситасида тингловчи (tinglovchi)га реал ҳаётй вазиятни англаш таклиф этилади, айни пайтда бу вазиятнинг тавсифида нафақат у ёки бу амалий муаммо, балки шу муаммони ечиш натижасида эгалланиши зарур бўлган билимлар комплекси актуаллашиши ҳам кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, муаммонинг ўзи моҳиятан ечимга эга бўлмайди. Кейсстади методи – бу таълимдаги методик янгилик бўлибгина қолмай, балки унинг таълим тизимида кенг ишлатилиши замонавий таълим тизимидағи вазиятга ҳам боғлиқ. Айтиш мумкинки, ушбу технология асосан янги билим, қўникмаларни ўзлаштиришга эмас,

ўқитувчи ва тингловчиларнинг умумий интеллекуал ва коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган. Бунга албатта, таълим тизимининг демократлашуви ва

модернизациялашуви, педагогик креативликка очилган кенг йўл, уларда прогрессив тафаккур услубини ҳамда педагогик этика, педагогик фаолият мотивациясини шакллантириши ҳам мисол бўла олади.

Кейс-стади таълим технологияси таркибидаги кейсдаги ҳаракатлар тавсиф кўринишида берилиши мумкин, бунда тингловчидан ушбу тавсифни англаш, яъни тавсифланган вазиятнинг натижалари, самарадорлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб этилади. Акс ҳолда улар муаммонинг ечимлари сифатида таклиф этилади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам амалий ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиши таълим олувчиларнинг касбий фазилатларини шакллантириш воситаси сифатида хизмат қиласи.

